

Биометрик паспортга фуқаронинг туғилган йили, исми, фамилияси, юзининг икки ўлчамли тасвири, бармоқ излари, (айрим давлатларда - кўз қорачигининг тасвири, паспорт эгаси овозининг ёзуви) паспорт рақами, берилиш вақти ва амал қилиш муддати каби маълумотлар киритилган чип жойлаштирилади.

5 бет

Катта тезликка келаётган "Нексия" автомашинасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари тўхтатишди. Машинанинг юкхонаси кўздан кечирилганда, 22 дона жипсланган тўртбурчак шаклдаги, 3 дона брикет шаклига келтирилган, салкам 22,5 килограмм "гашиш" наркотик молдаси чиқди.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 20-yanvar, №03 (732)

Муносабат

Назорат

Биз танлаган йўл

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузаси юртимиз ҳаётига том маънода тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Мухтарам Президентимиз мазкур чиқишида мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўллаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаб, қўлга киритган юксак марраларимизни ҳар тарафлама таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига ва бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари томонидан олга сурилган мазкур Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлилиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабдаларини янада демократлаштириш борасида илғор юяларнинг ўртага ташлангани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, тақдир этилган Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги изчил қўдам ҳисобланади. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистондаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади. Ушбу Концепцияни атрафлича ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у "Ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлимизнинг йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юқори ўсиш суръатлари, уларнинг барқарорлиги ва ишончлилиги, муваффақиятли тарқибий ўзгаришлар аъёналарининг мустақкам пойдеворига таянади.

Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазибалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби бир неча устувор йўналишлар белгиланиб, уларни ҳаётга таъбиқ

этиш механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани диққатга сазовордир.

Аҳамиятли томони шундаки, муҳтарам Президентимиз қўшма мажлисидаги маърузасида парламентни янада ривожлантириш ва мустақкамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасидаги қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этиб, давлат аҳамиятига молик муҳим вазибаларни ҳал этишда юқорида белгилаб берилган йўналишлар бўйича бир қатор қонунчилик ташаббусларини ҳам илгари сурди.

Президент Ислом Каримов демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазибалари сифатида белгилаб берган олтинга йўналиш дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан мустақкам ўрин эгаллашимизда муҳим омил бўлиши инкор этиб бўлма ҳақиқатдир. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида белгилаб берилган чоралар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига мултоқла анги бир давр бошланаётганидан далолатдир. Яъни, Конституцияимизнинг 89-моддасида назарда тутилган "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деган нормадан келиб чиқиб, Бош Қонунимизнинг 78-, 93-, 96-, 98-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритиш тақлиф этилмоқда. Мазкур ўзгаришлар шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгаришларга асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи

берилиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилиши, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида муҳим қўдам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига киритилиши тақлиф этилаётган яна бир муҳим ўзгариш — Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазибаларни бажара олмайидган вазият юзига келган тақдирда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилишидир. Бунда уч ой муддат ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ риоя этган ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилиши зарурлиги қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан Конституциянинг 78-моддаси 15-банди "..." шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш" деган сўзлар билан тўлдириш, 93-модданинг 15-бандига эса "вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қўшунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади" деган сўзлардан олдин "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан ..." деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқ экани таъкидлаб ўтилди.

93-модданинг 8-бандидан "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларни чиқариш, ушбу модданинг 16-бандини эса "...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақиқ" деган сўзлар билан тўлдириш лозимлиги баён этилди. Мазкур модданинг 12-бандидан "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори" деган сўзлардан кейин "унинг ўринбосарлари" жумаларини чиқариш ва ўрнига "Ҳисоб палатаси раисини" сўзларини киритиш ва ундан сўнг матн бўйича "тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритилади" тарзида баён этиш тақлифи ҳам билдирилди.

/Давоми 6-бетда/

Халқимиз манфаатлари йўлида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Республика Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда солиқ интизомини мустақкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш, солиқ тўлашдан бош тортиб даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, акция солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютага оид жиноят ва қонунбузилиши ҳолатларига қарши курашиш мақсадига амалга оширилган тадбирлар натижасида, жами 5 млрд. 59 млн. 4,6 минг сўм маблағ давлат бюджетига туширилди.

Бошқармаимиз томонидан 2010 йилда фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги ҳужалик юритувчи субъектларнинг қонун билан қафолатланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 351 та текшириш ўтказилган бўлиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 371 та жиноят ва 31 та маъмурий ишлар кўзгатилиди. Ноқонуний муомалаларга киритилган 426 млн. 510,5 минг сўмлик товар-моддий бойликларни ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ўтказилган текширишлар ва тайинланган ҳужжатли тафтишлар натижасида эса, 5 млрд. 870 млн. 427,8 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 2 млрд. 657 млн. 454,0 минг сўми ундирилди ва 739 млн. 565,3 минг сўмлик моливий жаримлар қўлланилиб, шундан 147 млн. 825,4 минг сўмининг ундирилиши таъминланди.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида ҳужалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 184-моддаси билан 119 та жиноят ишлари кўзгатилиди. Шунингдек, нақд пул муомаласига эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектларда нақд пул маблағлари айлананишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ноқонуний товар айланмаси, ҳисобга олинмаган махсуслотларнинг сотуви орқали маблағларни нақд пулга айлантириш, уларнинг механизми ва каналларини аниқлаш борасида мавжуд бўлган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тадбирлар натижасида 67 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди, 66 та жиноят ва 1 та маъмурий ишлар кўзгатилиди.

/Давоми 4-бетда/



Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш олдимизда турган устувор вазибалардан биридир. Бу жараён ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган "HURQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазибалар юкламоқда.

Прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақола-лар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2011 йилда ҳам "HURQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Муҳим вазифалардан бири

Мустиқликнинг ilk кунларидан мамлакатимизда кенг миқёсда иқтисодий ислохотлар жараёни бошланди. Барча иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи зарур қонунчилик базаси шакллантирилди. Амалдаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш ислохотларнинг самарасини таъминловчи етакчи омил эканини эътиборга олган ҳолда, Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Республика Бош прокурори ва Департамент бошлигининг тегишли буйруқ ва қўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, ўтган йили солиқ ҳафтада валютага оид 253 та жиноят ва 98 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 8171,2 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий ҳисималар ҳисобланди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида олинган 289,1 млн. сўмлик ноқонуний муомалага кирилган товар ва моддий бойликларнинг 124,4 млн. сўмлик сотилиб, пул тушумлари давлат бюджетига ўтказилиши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган

йили 10223,9 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланиб, натижаларига кўра 55 та жиноят ва 2 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан мавжуд тезкор маълумотлар асосида Урганч шаҳридаги "Сифат капитал МЧЖнинг фаолияти ўрганилиб, таҳлил этилди. Маълум бўлишича, жамият раҳбари Э.Аллаберганов 2009 йил декабрь ойидан 2010 йилнинг май ойи ўрталарига қадар мазкур қарор талабларига зид равишда, жами 213937,3 минг сўмлик товар-моддий бойликларнинг сифатини тасдиқловчи сифат сертификатларисиз улгуржи тартибда сотган. Бундан ташқари, 320048,6 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб, банкдаги ҳисоб рақамига топширмай, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Бунинг оқибатида ягона солиқ ҳисобланмасдан, жами 16002,4 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Яширин иқтисодиётга қар-

ши кураш борасида олиб борилган тезкор таҳлилий ва қидирув ишлари юзасидан 35 та ҳолатда қонунбузилишлари аниқланиб, натижасига кўра 25 та жиноят ва 10 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 41,8 млн сўмлик ноқонуний ишлаб чиқарилган ҳафтада муомалага киритилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Хазорасп туман бўлими ва туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда қонунга хилоф равишда яширин цех ташкил қилиб, қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги чикиндиларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ва ўтказиш қондаларини бузиб, даромад топаётган шахсларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирда Янгибозор қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Жумабоевнинг "сохта тадбиркор"лиги фош бўлди. Маълум бўлишича, Д.Жумабоева қонунга хилоф равишда фуқаролардан олган, илгари ишлатилган ҳар хил турдаги алюминийга ўхшаш рангли металлдан тайёрланган эҳтиёт қисмларни ўзи яшайдиган уйнинг ёрдамчи хонасида ташкил этилган цехда эритиб, 15 литр сизимли 217 дон қозон ишлаб чиқарган экан. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилнинг мудағарам Юртбошимиз томонидан "Ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бизнинг зиммаимизга ҳам катта масъулиятларни юклармоқда. Шу боис, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда улар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш чоралари кўриломоқда.

Департаментнинг Гурлан туман бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тартибот тадбирларида тадбиркор Хуршид Исаевга амалдаги қонун ҳужжатлари тушунтирилди ва "Алишер музайқмоғи" хусусий корхонаси туман ҳокимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилди. Натижада ўз фаолиятини қонуний асосларга кўра йўлга қўйиб олган тадбиркор Х.Исаев 7 та янги иш ўрни яратди. Ҳар бир ишга меҳнат дафтараеси юритилиб, уларнинг иш ҳақини вақтида берилаши таъминлаб келинмоқда.

Шунингдек, Департаментнинг Хива туман бўлими ходимлари томонидан туманда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Мирзабек-авто" МЧЖнинг фаолияти ўрганилганда маълум бўлишича, жамият раҳбари Х.Аллаберганов ва бош ҳисобчи Ш.Давлетовлар томонидан 2008 йилнинг якуни бўйича 4237,3 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ва 2009 йил якуни юзасидан тузилган ҳисоботларда 8702,2 минг сўм

Бахтиёр ҚОСИМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Хоразм вилоят бошқармаси
бошлиғи

мажбурий тўловлар, жами 12939,5 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетидан, яшириб қоллинган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларнинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилди.

Шундан кейин жамият раҳбари бўлимга муурожаат қилиб, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида тумандаги банк муассасаларидан кредит олиш учун ёрдам беришларини сўраган. Ушбу муурожаат асосида бўлим ходимлари томонидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, "Мирзабек-авто" МЧЖга ТИФ Миллий банкнинг Хива тумани бўлимида 265 млн. сўм кредит олишда амалий ёрдам берилди. Натижада, лизингга йўловчи ташишга мўлжалланган бир неча "ИСУЗИ" русумли автобус олинди, 12 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Ноқонуний фаолият юритаётган шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан ҳуқуқий тушунтиришлар олиб бориб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган салбий омиллари бартараф этиш бундан кейин ҳам асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Кўзбўямачилик кони зарар

Ўтган 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида шахар прокуратураси томонидан ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларга замонавий касб-хунарлар асосларини ўргатиш, ахборот ва компьютер технологияларини сингаририш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига, айниқса, юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш борасидаги қонунчилик ижроси ўрганилди. Шу билан бирга, таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг назоратсиз қолдирилиши ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олинани олиш, уларни ахлоқсизлик, гиёҳвандлик каби иллатлардан асраш борасидаги қонунчилик ижроси таҳлил этилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Аниқланишича, Фарғона транспорт касб-хунар коллежида талабани ўқувчилар сафидан чиқариш қонун-қоидаларига амал қилинмаган. Масалан, коллеж ўқувчиси А.Мирзаевнинг оиласи бошқа давлатга кўчиб кетгани сабабли директорнинг буйруғи билан ўқувчилар сафидан чиқарилган. Ушбу буйруқда "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш, ва ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисида"ги Низом талабларига риоя қилинмаган. Коллеж илмий педагогик кенгаши, ота-оналар кенгашининг қарорлари чиқарилмаган, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг ҳулосаси олинмаган. Шу боис, ушбу буйруқни қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилди. Бундан ташқари, ҳамон дар-

сларга мунтазам қатнашмаётган ўқувчилар ҳам учраб турибди. Жумладан, Фарғона компьютер технологиялари коллежининг 2-босқич талабаси Шо-муҳаммад Ғофуров 2009-2010 ўқув йилида бирон-бир сабабсиз жуда кўп дарсини қолдирган. Коллеж маъмуриятининг оғоҳлантиришлари, унинг ота-онаси билан қилинган суҳбатлар бесама қетган. Ушбу ҳолат бўйича ўқувчининг отаси Шоқиржон Ғофуров МЖТКнинг 47-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортилган, унинг ўғли ўқишга қатнай бошлади. Айрим ота-оналар эса, яхшилик қиларкан, деб фарзандларига сохтакорликдан сабоқ бериб, уларни нополқ йўлларга бошлашпти. Меймор бўларкан, шаҳарда қурилажак кўркам биноларнинг лойиҳаларини чизаман, дея Политехника институтининг қуриш факультетига, архитектура ихтисоси бўйича ҳужжатларини топшир-

ган Ш.Мухторов, тест синовларидан ўтиб, ўқий бошлади. Аммо унга иккинчи курсда ўқиш насиб этмади. Маълум бўлишича, у институтга қираётганда топширган Тошлоқ туманидаги 18-мактабнинг 11-синфини битиргани ҳақидаги шаходатнома қалбаки экан.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида "Олий малакали ҳамшира" мутахассислиги бўйича ўқиётган 1-босқич талабаси Г.Тожи-матовга тегишли бўлган, у 2005 йили Марғилон тиббиёт коллежини битиргани тўғрисидаги диплом ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Шу билан бирга, шахар прокуратураси ходимлари ҳокимлик, тааллуқли муассасалар билан биргаликда битирувчиларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганлар, шунингдек, катта ёшдагилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг билвосита сабабларидан бири - ишсизликни камайтириш, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш устида ҳам ишлаб, бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этишининг ташаббускори бўлишмоқда. Айни чоғда ушбу соҳага бевосита жавобгар бўлган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг фаолияти ўрганилиб, таҳлил этилмоқда.

Эътироф этиш керакки, 2009-2010 йилларда янги иш ўринлари ташкил

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Фарғона шахар прокуратурининг ўринбосари

этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ишлаб чиқилиб, муайян ишлар қилинган. Бироқ, "ишлар беш" дея ҳисобот беришга одатланган қолган айрим мутасадди раҳбарлар томонидан кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Фарғона фуран бирикмаган заводидан 127 та янги иш ўринлари яратилган ҳолда, ҳисоботда 147 та дея ёзилган ёки 20 га ошириб кўрсатилган. Шунингдек, бошқа бир ҳудуд инспектори Ш.Мусахўжаева томонидан мониторинг ўтказилмасдан, "Фар-Самина-Нафосати" хусусий корхонасида аслида 8 та иш ўринлари яратилган бўлса-да, 9 та деб қайд этилган. Бандликка кўмаклашиш марказининг ходимлари, шунингдек, ўқув муассасалари маъмуриятлари билан битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш борасида фаол иш юритишмаган. 2009-2010 йилда касб-хунар коллежларини тамомлаган 8570 нафар йигит-қизларнинг 6584 нафаригина (ёки 77 фоизи) иш билан таъминланган, холос. Шаҳар прокуратураси томонидан бундай кўзбўямачиликларга чек қўйиш, бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этиш билан бирга иш самарадорлигини ошириб бориш чора-тадбирлари ҳам кўриломоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми

Бозор муносабатлари шароитида кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш долзарб илмий-амалий муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

2010 йил 7 декабрда Президентимиз Илом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда. Лекин шу билан бирга, sanoat соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларинан фойдаланиш соҳасида, мукхасар айтганда, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур".

Кичик бизнеснинг ичмам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истаъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантирди.

Юртобимиз ўз маърузаларида яна: "Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йилда бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаетгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мангитки самарасидир. Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиси айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далolat беради", дея эътироф этган эдилар.

Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, хусусан, Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция каби давлатларда мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётганлиги уни тараққий эттиришга катта ҳамаёт берилаётганлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, унинг ялпи ички маҳсулотга улуши 50 фоиздан ортқиқни ташкил этаётганлиги иқтисодийни жалал суръатлар билан ўстиришга имконият яратмоқда. Шунингдек, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнеснинг иқтисодийдаги ўрни тобора ортиб бораётганлигидан гувоҳлик бермоқда. Айниқса Хитойда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳам жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрни тутаётганлигидан далolat беради.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашувчи тадбиркорлик субъектлари қонун билан белгиланган фаолият турларини амалга оширилади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ субъектиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг фуқаролик ҳуқуқий мақомини белгилашда айниқса, Фуқаролик кодексининг аҳамияти бекиёдилар. Маълумки, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли хилдаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан улар фаолиятининг мулквий ва мулквий тусда бўлмаган шахсий муносабатлари тартибга солинади.

Фуқаролик кодексига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, битимларни тузиш тартиби ва унинг турлари, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ўз номидан ёки вакил сифатида иштирок этувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари, услублари, тартиби ва чоралари, улар риоя қилиниш ло-

зим бўлган мажбурият ҳуқуқининг умумий қондалари, фуқаролик ҳуқуқий шартномалар ҳақидаги нормалар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, бевосита жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага доир фармон ва қарорларининг аҳамияти бекиёдилар.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, яққа тартибдаги тадбиркорлик деганда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (яққа тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши тушунилади. Яққа тартибдаги тадбиркорлик яққа тартибдаги тадбиркор томонидан ҳодимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ушдан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга анадий ҳуқуқ тўғрисидаги тегишли бўлган мол-мулк негизда мустақил равишда амалга оширилади. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 7-моддасига асосан, жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда қиригалликдаги тадбиркорлик фаолиятини биринчидан, эр-хотиннинг умумий мол-мулк негизда улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик, иккинчидан, оддий ширкат, учинчидан, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон ҳўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин. Эр-хотинга умумий биргалликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизда оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида иш муомалаларида эр-хотин номидан эрининг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик яққа тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилганда тасдиқланши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқуллаб, 2010 йил 14 декабрда маъқулда чоп этилиб кучга кирган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти бекиёдилар.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишдан ҳамда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Шу ўринда, мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор ривожланиб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга солиққа тортиш, валюта ва кредитлар беришга оид қўллаб қўллаб имтиёз ва преференциялар берилган.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига кичик тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги нормалар белгиланган. Хусусан, "Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир: яққа тартибдаги тадбиркорлар; ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгурчи ва чакана савдо ҳамда умумий оқватлаш тармоқларидаги, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар; қуйидаги тармоқлардаги: енгил ва озиқ-овқат sanoatиди, металл ишлаб бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель sanoatиди ҳамда қурилиш материаллари sanoatиди, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё sanoatиди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа sanoat-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат

кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий оқватлаш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ҳодимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар. Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳодимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бундан унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларининг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига кирди. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, қаролатлар ва ҳуқуқлар юқорида санаб ўтилган тижорат ташкилотларига улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, қаролатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган муражаатлар асосида берилади. Хабарноманинг тўғрисида учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган субъектлар зиммасига юқлатилади.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси бешинчи қисмига киритилган ўзгаришларга кўра, микрофирма ва кичик корхона ҳодимларининг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, қаролатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қонда қуйидаги ҳолларда таъбиқ этилмайди: "микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ҳодимларининг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда. Ҳодимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқини тугаллаган кундан бошлаб уч йилдан ортқиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади; кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ҳодимларининг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоизга оширилганда".

Қонунга киритилган бу ўзгаришлар Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 83-сессиясида (Женева, 1996 йил 20 июнь) қабул қилинган "Касаначилар тўғрисидаги 177- Конвенция" талабларида ҳам келсади.

Қонунчиликда рўй берган бундай ангилликлар, биринчидан, мазкур қонун нормасини янада тақомиллаштириш имконини яратди. Иккинчидан, касб-ҳўнар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш бараварида уларни иш билан таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, кичик корхоналар ва микрофирмаларда янги иш ўринлари очилишига шароит яратилди. Қонун ҳужжатларида белгиланган қаролатлар, имтиёзлар ва преференцияларнинг сақланиб қоллиши мазкур корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини ривожлантиришга кўмак беради.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини унинг субъект таркиби жиҳатидан ривожлантириш яъни, оила, ёшлар, таълим муассасалари битирувчилари ва ҳ.к. қонун ижодкорлик фаолиятида янги ҳа ёндашувларни ишлаб чиқишни тараққий этади. Биринчидан, тадбиркорликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари ёшларни жалб этиш асосида, иккинчидан, оилавий тадбиркорликни тадбиркорликнинг алоҳида шакли сифатида ри-

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

вожлантириш, учинчидан таълим муассасалари битирувчиларини, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига иштирок этишини таъминлаш баробарида уларга тегишли имтиёз ва преференциялар беришга ҳам назарда тулади. Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишни инобатга олсак, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни ташкилий-ҳуқуқий механизмларини босқичма-босқич ҳаётта таъбиқ этилаётганлиги бу боралда давлатнинг бош илсоҳотчи сифатида изчил сиёсат олиб бораётганлигидан далolat беради. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг рағбатлантирувчи механизмлари уларни иш билан банд этишнинг энг тўғри ва оқилона йўли бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий алабётларда тўғри таъкидланганидек, хоржий давлатларнинг тажрибаси, оилавий асосда меҳнатни ташкил қилишнинг хусусиятларини қонунчиликда тадбиркорликнинг янги ва мустақил ташкилий - ҳуқуқий шакли сифатида "кичик оилавий корхоналар мақомини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Республикаимизда оилалар таркиби ва бундай шаклда меҳнатни ташкил қилишнинг афзаллигини назарда тутаёқ оилавий бизнесни янада ривожлантириш истиқболли мавжудлигидан далolat беради. Оилавий тадбиркорлик аҳолининг кўпчилик қисmini иш билан банд қилиш, четта иш қучлари чиқиб кетишнинг олдини олиш, меҳнат ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақомини тақомиллаштириш мақсадига қуйидаги илмий-амалий ҳуқуқ, тақдир ва тавсияларни баён этиш лозим.

Биринчидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилганда, таваққул қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ишлаб чиқариш соҳаси, ишлайишларига сонига кўра имтиёз, қаролат ва ҳуқуқларга эга бўлган юридик шахс тусмасдан ёки юридик шахс ташкил қилиб амалга оширилган ташаббускор фаолият ҳисобланади;

— иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида"ги Қонунга кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда уларнинг давлат бюорғмаларини бажариши бўйича имтиёзларни назарда тутиш;

— учинчидан, қонунда кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича ва манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг икжтимоий шерикчилигида оид нормаларни ифода этиш;

— тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Унда оилавий бизнесни ҳар томонлама рағбатлантирилган нормаларни ифода этиш зарур;

— бешинчидан, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг жалал ривожланиши уни кодификациялаш талаб этади. Шу сабабли бу боралда қонун ҳужжатларининг тизимлашув маъмунига эга замалиги Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Энг муҳими, қонун ҳужжатларини кодификациялаштириш ва тизимлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳини тузиб бу боралда тизимли равишда қонун ижодкорлиги фаолияти билан шугулланушни истиқболли вакифлардан бўлиб ҳисобланади;

— олтинчидан, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларида нафақат моддий-ҳуқуқий, балки процессуал аҳамиятга эга бўлган, яъни амалиётда таъбиқ этиш самардорлигини оширишга қаратилган нормаларни белгилаш зарур.

/Давоми.
Бошланғичи 1-бетда/

Хуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жами 20 млрд. 724,3 млн. сўмлик ноқонуний товар пул айланмалари аниқланиб, 3 млрд. 623,6 млн. сўмни НКМдан ўтказмаслик, 11 млрд. 202,8 млн. сўмни банк муассасаларига топширмасдан бошқа мақсадларда ишлатиб юбориш, 4 млрд. 649,7 млн. сўмлик маҳсулотларни лицензиясиз сотиш, 4 млрд. 871,8 млн. сўмлик товар ва хизматлари сотишдан тушган тушумни яшириш ҳолатлари аниқланган. Хуқуқбузарларга нисбатан 43,8 млн. сўм молиявий жарима қўланилиб, 33,6 млн. сўми ундириб олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сонли ва 1 октябрдаги 420-сонли қарорларининг ижро этилиши, валюта қимматликлари билан боғлиқ хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинган импорт товарларнинг бозорларда сотилиши ҳамда уларни сотишдан тушган маблагларни валютага "қора бозор"да алмаштириб, ноқонуний йўллар билан валютани четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларига чек қўйиш, валюта "қора бозори"ни тугатиш юзасидан тезкор тадбирларни қўйиштириш ва улардаги ноқонуний пул айланмасининг манбаларини аниқлашга қаратилган тадбирлар натижасида 39 та хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 20 та ҳолатда жиноят ва 19 та ҳолатда маъмурий хуқуқбузарликка доир ишлар кўзгатирилган.

Хуқуқбузарлардан 38520 АҚШ доллари, 44220 Россия рубли ва 41 млн. 691,2 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинган. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан Жарқўрғон туманида ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро А.Абдурасуллов ва Н.Бобоқулова муқаддам

☑ Хуқуқбузарлардан 38520 АҚШ доллари, 44220 Россия рубли ва 41 млн. 691,2 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинган.

ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан судланганликларидан тегишли хулоса чиқармасдан, ўзаро жиноий тил бириктириб, тадбирга жалб қилинган фуқарога қонунга хилоф равишда хар бир АҚШ долларини 2200 сўмдан ҳисоблаб, 14 млн. 80,0 минг сўмга 6400 АҚШ долларини сотган вақтда ушланган.

Ўтказилган тадбир давомида фуқаро А.Абдурасулловнинг ёнидан алмаштириш мақсадида олиб юрган 2115 АҚШ доллари, 950 Россия рубли ва 44,0 минг сўм ҳамда фуқаро Н.Бобоқуловнинг уйдан 8 млн. 380,0 минг сўм пул қимматликлари ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма томонидан фуқаро А.Абдурасуллов, Н.Бобоқулова ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бошқарма томонидан 48 та ҳолатда ўзганинг мулкани талон-торож қилганлик ҳолатлари бўйича жиноят ишлари кўзгатирилган. Аниқланган ҳолатлар бўйича жами талон-торож қилинган 1 млрд. 238 млн. 473,3 минг сўмлик давлат бюджетига ва жамоат манфаатлари-

Халқимиз манфаатлари йўлида

га етказилган зарарларнинг 1 млрд. 53 млн. 243,2 минг сўми суриштирув даврида жавобгар шахслардан ундириб олинган ва қолган суммаларни ҳам ундириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Ангор туман бўлими ходимлари томонидан "Қишлоқхўжалиқимё" филиалида ўтказилган тезкор тадбирда 3-сонли шохобча мудирини З.Нормейлиев филиал хўжалик ишлари мудирини К.Норбаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро З.Муродовнинг бошқарувида бўлган 19 АВ 520 давлат рақамли ЗИЛ-133 ГИА русумли автоуловда Бойсун туманидан олиб келинган 15 тонна "супрефос" минерал ўғитига ўхшаш кўм маҳсулотини туман фермер хўжалиқларига тарқатиш лозим бўлган "супрефос" минерал ўғитига аралаштириб тарқатиш мақсадида омборга тушириб, унинг эвазига мазкур автоуловга омбор мудирини З.Нормейлиев жавобгарлигида бўлган 4830 кг. жами 2380,4 минг сўмлик "супрефос" минерал ўғитини орттириб юбориб, мансаб макенини суистеъмол қилганлиги ва ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ангор туман бўлими томонидан 2010 йил 3 декабрь куни фуқаролар К.Норбаев ва З.Нормейлиевларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Коррупциянинг оғир кўриниши, яъни порахўрлик жинояти билан боғлиқ 4 та жиноят иши кўзгатирилган. Коррупция ҳолатларини фож этиш, ҳокимият, банк, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан тадбиркорлар, давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш борасида 2 нафар ҳокимият, 1 нафар солиқ, 52 нафар тижорат банклари, 6 нафар ички ишлар ва 10 нафар бошқа назорат идоралари ходимларига нисбатан 49 та жиноят ишлари кўзгатирилган.

Жумладан, Музработ туман бўлими ходимлари томонидан "Музработ МТП" АЖ фаолияти таҳлил қилинганда, жамият раиси С.Хўжаев ва бош ҳисобчиси Т.Ходжамуратовлар жамиятнинг 2009 йил ва 2010 йил бўйича туман ДСИга ҳисоботларни топширмасдан келганлиги ва туман ДСИ томонидан жамиятнинг "Агробанк" Музработ филиалидаги ҳисоб рақам-

ларини ёпиш тўғрисидаги қарори талаблари банк мансабдор шахслари томонидан бажарилмаганлиги натижасида, 2010 йил 1 январдан 2010 йил 1 октябрга қадар жамиятнинг ҳисоб рақами орқали 554 млн. 760,5 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, бюджетга тўлашни лозим бўлган 19 млн. 300,0 минг сўмлик жуда кўп мақдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Музработ туман бўлими томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни "Музработ МТП" АЖ раиси С.Хўжаев ва бош ҳисобчи Т.Ходжамуратовларга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, "Агробанк" Музработ филиали бош ҳисобчиси Х.Туроповга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши кўзгатилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 605-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қўйишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 24-сонли Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, спиртли ва алкогольли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар назоратга олинган ҳолда тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Бошқарма томонидан 19 та хуқуқбузарликлар аниқланиб, натижаси бўйича 16 та жиноят ва 3 та маъмурий ишлар кўзгатирилган. Хуқуқбузарлардан 6001,7 литр ҳажмдаги жами 43 млн. 80,4 минг сўмлик спиртли ичимликлар, шу жумладан, 761,2 литр жами 14 млн. 235,7

☑ Хуқуқбузарлардан 6001,7 литр ҳажмдаги жами 43 млн. 80,4 минг сўмлик спиртли ичимликлар, шу жумладан, 761,2 литр жами 14 млн. 235,7 минг сўмлик спиртли далилий ашё сифатида олиб кўзгатирилган.

минг сўмлик этил спирти далилий ашё сифатида олиб кўзгатирилган.

Хусусан, Қумқўрғон туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, "Олтибой Тўра" хусусий корхонаси бошлиғи П.Шайманов ва бош

ҳисобчиси П.Шаймановлар алкогольли маҳсулотлар сотиш учун лицензия олиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмастан туриб, корхонага тегишли савдо дўкони орқали аҳолига алкогольли маҳсулотларни сотиб келаяётганлиги аниқланиб, савдо дўконидан 83 дона 0,5 литр

☑ ... ички бозорни ҳимоялаш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 13 та хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 12 та жиноят ва 1 та маъмурий ишлар кўзгатирилган. Улардан жами 96 млн. 168,4 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб

ҳажмли "Русская водка" ва 12 дона 0,5 литр ҳажмли "Денов" номли - жами 2 турдаги 95 дона 266,0 минг сўмлик ароқ маҳсулотлари ва 105 дона 0,5 литр ҳажмли 24,1 минг сўмлик "Русская водка" номли ароқ маҳсулотининг бўш шишалари далилий ашё сифатида олинган.

Вилоят синов ва сертификатлаштириш марказининг экспертиза хулосасига кўра, далилий ашё сифатида олинган 83 дона 0,5 литр ҳажмли "Русская водка" ва 12 дона 0,5 литр ҳажмли "Денов" номли ароқ маҳсулотларига Давлат стандарт талабларига жавоб бермаслиги, яъни истеъмолга яроқсиз эканлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қумқўрғон туман бўлими томонидан фуқаролар П.Шайманов ва П.Шаймановларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган. Шунингдек, олиб борилган тадбирлар натижасида 3 та ҳолатда қўлбола усулда алкогольли ичимликларни ишлаб чиқарувчи яширин цехлар аниқланган. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, Денов туманида яшовчи фуқаро М.Ўтаева ва турмуш ўртоғи Б.Эргашевлар қонунга хилоф равишда алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш

билан шуғулланиб келганлиги аниқланиб, яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалиқлари қўздан кечирилганда қўлбола усулда тайёрланган 0,5 литр ҳажмдаги "Денов" ёрликли ароқ маҳсулотлари жами 1070,0 минг сўмлик, "ROYAL" ёзувли 1,5 литр ҳажмдаги спирт маҳсулотларидан бўшган полиэтилен идишлар, темирдан ясалган ароқ қопқоғини ёпиш мосла-

маси ҳамда бошқа 140,0 минг сўмлик ёрдамчи ашёлар, ҳаммаси бўлиб 1210,0 минг сўмлик далилий ашёлар олинган.

Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш марказининг хулосасига кўра, М.Ўтаевдан ашёвий далил сифатида олинган спиртли ичимликлар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма томонидан фуқаролар М.Ўтаева ва Б.Эргашевларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги 2340-сонли Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли, 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли, 2004 йил 12 августдаги 387-сонли ва 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарорлари ижросини таъминлаш борасида бошқарма қоидаларини четлаб, айланма йўллар билан кириб келаяётган маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоялаш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 13 та хуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 12 та жиноят ва 1 та маъмурий ишлар

кўзгатирилган. Улардан жами 96 млн. 168,4 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб

қўйилган. Жумладан, Денов туман бўлими томонидан "Олтин садаф" хусусий фирмаси фаолияти ўрганилганда, фирма раҳбари С.Расуллова ва дўкон мудирини Р.Жўраевлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, савдодан тушган жами 28 млн. 663,0 минг сўмлик нақд савдо пулларини назорат-касса машинасидадан ўтказмасдан банкка топшириб, жуда кўп миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлиги аниқланган.

Шунингдек, 1 кг 924 грамм оғирликдаги 492 турдаги 95,0 млн. сўмлик Давлат пробаи аниқлаш палатасининг тамгалари бўлмаган қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган тақинчоқлар савдога чиқарилганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб кўйилган. Мазкур ҳолат юзасидан Денов туман бўлими томонидан фуқаро Р.Жўраева ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан жами 2439 та профилактик тадбирлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган.

Бошқарма томонидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пайсацийтириш, "хуфийна иқтисодий" фаолият кўрсатиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида хуқуқруқ муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Ўғлонлари сергак юрт

Мустақиллик туфайли озод ва ҳур ҳаётга эришганимизни чексиз гурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, яхши ниятлар, орзу-интилишларимиз бизни буюк бунёдкорликлар сари бошлапти. Жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик туфайли ҳар бир соҳада кенг кўламли ислохотлар амага оширилиб, юртимиз тараққийети, оамларимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi учун пухта замин яратилмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Албатта, осудалик, тинчлик бўлмаган жойда ўсиш ҳам, ривожланиш ҳам бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Атрофга бир назар ташланг. Ҳозир дунёнинг турли минтақаларида ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар давом этмоқда, террорчилик хуружлари халқроқ хавфсизликка таҳдид солиб турибди. Бу эса бизни бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, шўқрона келтиришга ундайди. Лекин шундай дорилонмон замонда тинчлигимиз, осойишталигимизни барбод этишга ва олга боришимизга тўсиқ бўлишга уринаётган қора кучлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бу борадаги энг хавфли душманларимиз диний-экстремистик ва террорчи кучлардир.

XXI асрда терроризм фожиаси ер шарини таҳликали ҳолатга келтириб қўйди. Бу хунрезликларнинг дахшатли томонлари ҳақида тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Инсоният ана шу балои қазодан қутулсагина, ер юзиде осойишта ҳаёт давом этади. Давлатимиз раҳбари XX асрнинг 90-йиллари бошидаёқ "террор ҳеч қандай ҳад-ҳудуд билмайди, унинг олдини олмақ керак", дея бонг ургани, шунчаки минтақадаги танг вазиятни дунёга ёйиб, кўмак сўраш эмас, аксинча, дунёни жаҳлат ва разолат чоҳидан эсон-омон асрашга даъват эканлиги бугун барчага аён бўлди.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги Америка Қўшма Штатлари халқининг фахри бўлган Жаҳон савдо маркази ваёрон этилганда дунёнинг тараққий-парвар кучлари терроризмга қарши бирлашдилар. Афғонистон ва Ироқ воқеалари мисолида эса терроризмга етарлики сабоқ бериб қўйилди. Шанхай

Ҳамкорлик Ташкilotи ҳам ота-онаси, оиласи, фарзандлари, яқинлари, дўст-биродарлари, халқи ва миллатини яхши кўрадиган, хурмат қиладиган, инсонлар учун хизмат қиладиган давлатларнинг бирдамлик ташкilotи сифатида дунёга келди. Жаҳлатга қарши ватанпарварлик ва инсонпарварлик кучлари бирлашмоқда. Бу эса дунёда терроризм ва диний-экстремизм сингари ҳар қандай "изм"-ларни бартараф қилишнинг муҳим омилдир. Эндилликда дўсту душман - ҳамма бу ҳақиқатни англаб етиб турибди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бизнинг юртимизда ҳам бир неча бор террорчилик ҳаракатлари, хунрезликлар содир этилди. Юртбошимиз бу ҳақида тўхталиб, мазкур воқеаларнинг сабаблари, қўруручулар ортида турган кучлар ва уларнинг максадларини англашга, бундай воқеалар бошқа қайтармаслиги учун зарур чоралар кўришга, ўзимизга тегишли хулосалар чиқаришга даъват этиб, террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади. Юртдошларимиз бундай таҳликаларга қарши курашга, мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди.

Бугун миллий армиямиз ва Куролли Кучларимизда ислохотлар ўтказилмоқда. Бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, курол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч қимдан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилишимизга асос бўлади.

Биз мустақиллик ҳақида, уни асраб-авайлаш хусусида гапирганимизда ҳар доим армияни тилга оламиз. Куролли Кучларимизнинг қудратини ошириш ҳақида тўхталмиш. Нера? Негаки, Президентимиз "Мустақиллик - бу, аввало, ҳуқуқдир", - дея таъкидлагандилар. Бу нима дегани? Бу - халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққийёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиклол йўлида шухид кетган, бу дорилонмон кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истаklarини рўёбга чиқариш учун Ватанимизни кўз қорачиғиде асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан саклашга қодир Куролли Кучларга эга бўлишимиз лозим. Юқориде таъкидлаганимиздек, бугун миллий армиямизда ислохотлар қизгин давом эттириляпти. Биз профессионал армия барпо этиш йўлида дадил одим ташляямиз. Профессионал армияда эса профессионал ҳарбийлар хизмат қилишади. Буни оддий сўзлар билан таърифлайдиган бўлсак, иктидорли, ҳарбий соҳанинг устаси, мард, матонатли ва фидойи кишилар эгнига ҳарбий либос кийдилар.

Ҳўш, бугун шақлангитриляётган миллий армия кечаги армиядан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга эса Президентимизнинг "Агар мендан, янги армиямизнинг эски армиядан фарқи нима, деб сўраса, ҳарбий курилиш соҳасида амалга ошириляётган мултоқ принципал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Куролли Кучларимиз-

Норбўта ҲОЗИЕВ,

"Huquq"

да ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро хурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкени елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим", деган гапидан жавоб толамиз.

Ҳа, бугуннинг аскарни кечаги аскардан тубдан фарқ қилади. Улар Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир эр йигитнинг бурчи эканлигини яхши билишади. Чунки улар Чингизхон босқинига қарши мардларча курашиб, қарамликдан кўра шарафли ўлимни афзал билган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ва ўз юртини мўғуллар истибдодидан озод этиб, турк қавмини бирлаштирган буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг авлодларидир.

Агар тарих саҳифаларини вақрақласак, жуда кўп ибратли мисолларга кўзимиз тушади. Қадимда Хитой, Эрон ва Мисрда кул сифатида олиб кетилган туркий халқларнинг фарзандлари кўп вақт ўтмай, у ердаги сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта бошлаганлар, давлат идораларини бошқарганлар. Ҳар доим кураш майдониде бўлмоқ ва ҳар ерда ўзининг кимлигини кўрсатмоқ халқимизнинг миллий савиясига хос хусусиятидир.

Буюк қомусий олим Маҳмуд Қошгарий "Амин бўлдимки, Тангри давлат куёшини турк қўронларидан кўкка чиқарганди, уларнинг мулкари қилиб бутун осмону фалани айлангитиргандир. Тангри... хақиқат йўлида курашмоқ учун куч бер-


ди. Уларга ҳамкор бўлганларни, уларга тарафдор бўлганларни азиз қилди", дея таъкидлаган эди.

Аждодларимиз қадимда шундай улғу ва ҳар доим жаҳон тараққийотининг қоқ марказиде бўлиб келганлар. 130 йиллик мазлумлик асоратидан сўнг яна ўзлигимизга қайта бошлади. Юртимиз хур, халқимиз озод. Армиямиз Амир Темур лашкарлариде салоҳиятга, кучга эга бўлишга ишончимиз қомил. Миллий армиямиз - бизнинг посбонимиз. Боболаримиз шавқатига муносив ворис бўлган бу армия юртимиз тинчлигини сақлаб, миллатимиз шарафини улғулашига ишонимиз.

Она юрт ҳимояси, туғилиб ўсган Ватан осмонининг беғуборлиги ҳамма замонларда ҳам инсон фароғати, бу ёруғ дунёда хотирхам умргузаронлик қилиш, эзгу ниятларни рўёбга чиқариш, фарзандлар тарбиясининг муҳим шарти бўлиб келган. Миллий армиямиз ташкил толганига 19 йил бўлди. Бу қутлуг сана Ватанимиз ва халқимиз учун қувончи. Чунки асрий орузимиз - мустақиллигимиз тақдирини, турмушимиз фаровонлигини, кўнгилларимиз хотиржамлигини, бугун ва эртаимиз истиқболни Ватан ҳимоячиларининг хушёрлиги, сергаклиги ва жасоратига боғлиқ. Зеро, ўғлонлари сергак юрт ҳамиша осойишта бўлади.

Биометрик паспорт – хавфсизлик кафолати

Дунё ҳамжамиятининг доимий диққат марказида туралган, тараққийёт ва ҳамжихатликнинг кафолати ҳисобланмиш инкитта муҳим тамаойил бор - хавфсизлик ва барқарорлик. Айниқса, халқроқ ҳамжамиятни жиҳдий ташвишга соляётган диний экстремизм, терроризм каби иллатлар ҳар лаҳзада ислган давлатнинг барқарорлигига хавф солиб турган бир шароитда хавфсизлик чораларини кучайтиришнинг аҳамияти янада ошди. Тобора глобаллашяётган, интеграциялашув жараёнлари кучайган, транспорт коммуникациялари ривожланган ҳозирги даврда фуқароларнинг чет элде эркин ҳаракатланшини таъминлашнинг кафолатлари ҳам хавфсизлик талаблари даражасида кучайтирилмоқда. Бунда фуқароларнинг биометрик паспортлари муҳим ўрин тутуди.



Биометрик паспорт фуқарога чет элга чиқиб, давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Оддий паспортдан фарқи равишда унга фуқаронинг туғилган йили, исми, фамилияси, юзининг рақамли форматдаги икки ўлчамли тасвири, бармоқ излари, (айрим давлатларда - кўз қорачиғининг тасвири, паспорт эгаси овозининг ёзуви) паспорт рақами, берилиш вақти ва амал қилиш муддати каби маълумот-

лар киритилган чип жойлаштирилади. Ушбу чипдаги маълумотлар чегара пунктида махсус компьютерлар орқали паспорт саҳифасидаги маълумотлар билан солиштирилади. Биометрик паспортнинг муқовасида унинг махсус логотипи жойлаштирилади. Эътиборлиси, мамлакатимиз Президентининг Фармонида биноан 2011 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам ана шундай паспортлар жорий этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқроқ фуқаро авиацияси ташкilotи (ИКАО)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. ИКАОга аъзо бўлган давлатлар зиммасига юклятаётган мажбуриятлардан бири электрон машина ҳисоблайдиган ҳужжатлар, яъни паспортларни олиб ўтиш хавфсизлигини таъминлашда стандарт талабларига риоя қилишдан иборат. Паспорт том маънода қимматли ва инсон шахсини белгиловчи, ўки бу давлат фуқароси эканини ағллатувчи, ниҳоят, халқроқ сайёҳликда муҳим омил бўлган ҳужжат ҳисобланади. Шу босис Халқроқ фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқроқ фуқаро авиацияси ташкilotи (ИКАО)нинг Монреаль Ассамблясининг 2004 йилдаги қарори (резолюция)га мувофиқ ушбу ташкilotга аъзо давлатлар эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳақда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлашлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тако-

Ҳақим РАҲМОН,
журналист

миллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам ушбу халқроқ талабларни бажаришга қаратилган.

Авалло таъкидлаш керакки, биометрик маълумотларга эга паспортлар халқроқ фуқаро авионавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсини тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини тақомиллаштириш, халқроқ авиаташишлар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда. Ҳозирча дунёнинг юздан ортқ мамлакатларида ана шундай биометрик параметрли паспортлар қўлланилади. Айрим давлатларда бундай паспортлар фақатгина чет элга чиқяётган фуқароларга берилади. Президентимиз Фармонига биноан эса мамлакатимизнинг барча фуқаролари босқичма - босқич биометрик паспортлар билан таъминланади.

/Давоми 7-бетда/

Биз танлаган йўл

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

А [Давоми. Бошланиши 1-бетда/ лбатта, юқоридаги каби конституциявий ўзгаришлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мавжуд сиёсий партияларнинг ваколатларини янада ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш демократик янгиланишлар жараёнининг бугунги bosқичдаги энг муҳим йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ҳал қилувчи вазифадир. Шу боис ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ суд-ҳуқуқ тизимига ислохотларни жорий этишга давлат сибасати даражасида аҳамият қаратиб келинмоқда. Судларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, уларни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимояловчи органга айлантириш, суд ҳокимиятини bosқичма-bosқич мустаҳкамлаб боришга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди. Ана шу мақсадларга йўналтирилган бир қатор муҳим қонун ҳужжатларининг қабул қилингани ва амалиётга жорий этилгани мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканининг ҳаётий исботи.

Бу борадаги аҳамий ишларни келгусида ҳам изчил давом эттириш мақсадида Президентимиз ўз маърузасида соҳага оид бир қатор қонун ва кодексларга ўзгариш киритиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва тақомиллаштириш йўлида янги қонунари ишлаб чиқиш заруратини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди. Айниқса, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги таҳрирда қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни ҳаётга жорий этиш, адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнабдиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан билдирилган мулоҳазалар долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан бирга, юртимизда инсонпарварлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва тарғиботни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш эса, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳисларини шакллантириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ишларинингнинг сифат ва самардорлигини янги bosқичларга олиб чиқди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис ҳам, Юртбошимиз аскарят чикшилларида, албатта, бу соҳани ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтади. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берар экан, фуқаролик жамияти институтлари тизимини ОАВнинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ОАВни янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио ва телевидение фаолиятини жонлаштириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги норматив ҳуқуқий базани тақомиллаштириш юртимизда олиб борилган ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш билан бир қаторда, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига ҳам мадд бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ОАВни

янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, медиа-маконтга илгор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва кўплаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

2010 йилнинг 12 ноябрь кунги кўшма мажлисидаги маърузасида ҳам Президентимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни таъкидлаб қаролаш боробарида муҳим бир масалга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди:

"Яни бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбааларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолни масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда".

Мазкур муаммони ҳал этиш учун, биринчидан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида" Қонун қабул қилиш лозимлиги таъкид этилди. Мазкур қонуннинг амалиётга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очик ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хоржда кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчидан эса, демократлаштириш жараёнида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида" Қонун қабул қилиш таклифи билдирилди. Ушбу қонун телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илгор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур ҳуқуқий механизмларни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Учинчидан эса, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини жорий қилиш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самардорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Тўртинчидан, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатил борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Бу борада ҳусусан, давлат ва жамоат бирлаш-

малари, ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаш даркорлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимини кенг фойдаланиш мақсадида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада тақомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз ва дунёда кечаётган жараёнлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари ишида ҳам янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлиши табиий ҳол. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолиятини тартибга солуви янги қонунари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонун мейёрларига эса ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, уларни тақомиллаштиришнинг талаб қилади. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган қонунчилик ташаббуслари кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг ўрни ва ролини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, воқеа ва ҳодисаларни плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда акс эттириш, бунда қонуналарда белгиланган ҳуқуқлар билан бирга, журналистларнинг маъсулиятини ҳам ошириш борасида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида ўзига хос таърибга тўлганларини бугун бугун жаҳон ҳамжамияти ган одамкода. Чиндан ҳам, фуқароларнинг эркин сайлаш ва сайлашни ҳуқуқини амалга ошируви демократик андазаларга мос қатор қонуналар қабул қилиндики, натижада халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокни таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўптартиявийлик асосида ўтказилиши, мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида қатъий белгилаб қўйилгани, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашинишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқлаб қўйилгани сайловларга оид мукамал қонунчилик базаси яратилгандалолатидир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида" ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуналарга демократик анъаналарни жорий этуви яна янги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётгани эса мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципнинг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш биз ўз олдимизга қўйган стратегик мақсадлардан биридир. Шунинг учун ҳам, кейинги йилларда аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотларини жалд сурьатларда шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституцияимизда нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани натижасида бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 5100 дан зиёд нодавлат ноижорат ташкилотлари

эмин-эркин фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробарга кўпайган.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шaroит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортик қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири эканига яққол мисолдир.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самардорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Концепцияда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳага дахлдор бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи билдирилганлиги юртимиз тараққиётининг ҳозирги bosқичида нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада кучураштириш мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислохотларнинг самарасини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратиб берилаётган қонуний имконият ва имтиёзлар, қулай инвестициявий муҳит тўғрисидаги ҳар қандай иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва барча соҳаларда иқтисодий ўсиш сурьатлари таъминланмоқда.

Юртбошимиз ўз маърузасида бу соҳадаги ишларни янада юқори bosқичга олиб чиқишнинг аниқ ва равшан йўналишларни кўрсатиб ўтди. Ҳусусан, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада қураштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган қонунчиликни янада тақомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Умуман, Президентимиз томонидан жуда мукамал тарзда ва эртанги истиқболни қўлаб ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида қарийб 20 йил олдин бошланган жараёни давом эттириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан узок муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мустаҳкам асосдир. Зеро, ҳар биримиз учун Ватан, эл-юрт манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқдан бош чиқариб, аҳилликда ва ҳамжихатликда фаол ҳаракат қилсак, қўзлаган эзгу мақсадларимизга, юксак марраларга, албатта, эришамиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд органлари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш мақсадлини ҳам кўзлайди.

Давр талаби

2011 йил 8 январдан бошлаб "Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги янги Йўриқнома кучга кирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнларида ашёвий далилларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли ҳам суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллари олиш (қабул қилиш), сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларнинг тақдирини ҳал қилиш масаласи жиддий эътиборни талаб қилади.

2006 йилда бу борада амалга киритилган Йўриқнома жиноят процессида ашёвий далиллардан фойдаланиш соҳасида маълум бир маънодаги тартибни жорий этган эди. Бирок, ўтган тўрт йил давомида тегишли қонун нормаларига, шунингдек, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига ҳам қўллаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2008 йил 11 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, 2009 йил

Равшан ҲАФИЗОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

14 январда "Ижро иши юриштирув тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, 2010 йил 15 сентябрдаги "Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлар, шунингдек, 2009 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги 200-сонли Қарори қабул қилинди. Бу эса, амалиётда қўлланилиб келаётган Йўриқномани янада тақомиллаштиришни келтириб чиқарди.

"Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги янги қабул қилинган Йўриқнома Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилади. Бундан ташқари, Йўриқномада ашёвий далиллари қабул қилиш, олиб қўйиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш, сақлаш, улардан фойдаланиш, эгасига қайтариш, давлат даромадига ўтказиш билан бир қаторда, давлат муқофотлари ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйиш, олиб қўйилган товар моддий бойликларини баҳолаш, экспертизадан ўтказиш, гаров сифатида қўйилган пул маблағларини қайтариш каби бошқа долзарб масалалар ҳам тартибга солинган.

Умуман олганда, мазкур Йўриқноманинг қабул қилиниши тергов ва суд органлари фаолиятининг самардорлигини оширишга, далиллар мақбулликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ҳамда жиноят процессида ашёвий далиллардан фойдаланиш имкониятларининг янада кенгайтилишига хизмат қилади.

Биометрик паспорт – хавфсизлик кафолати

(Давоми. Бошланиши 5-бетда)

ИКАО стандартларига мувофиқ, биринчидан, электрон ҳисоблаш машиналари ҳисоблайдиган ҳужжатлар тайёрлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш; иккинчидан, рақамли фотосуратларни қўллаш; учинчидан, паспорт саҳифаларига визуал тасвир ҳамда маълумотларни жойлаштириш, нихоят шахснинг биометрик параметрлари, яъни қўл-бармоқ излари бўлиши кўзда тутилган. Биометрик паспортларнинг одатдаги паспортлардан фарқи шундаки, унда ҳимоя белгилари қўйилган, шахснинг биометрик белгилари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Биометрик паспортга шахснинг расми ёпиштирилмайди. Балки фотосурат паспорт саҳифасининг ўзига чоп этилади. Электрон чип Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортининг охириги бетиде жойлаштирилиши кўзда тутилган. Электрон чипда фуқаронинг биометрик белгиларидан фақатгина бармоқ излари жойлаштирилади.

Савол туғилади, биометрик паспортларни қалбакилаштириш имкони мавжудми? Жи-ноят олами вакиллари қўлга ана шундай технология тушиб қолиши мумкин-ку? Дунё тажрибасида ҳозиргача биометрик паспортларни қалбакилаштириш ҳолати учрамаган. Фуқаро ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган электрон чипдаги маълумотлар ҳам пухта қодирвоқ қилинган. У хар қандай "ҳакерлар" ва жиноятчиларнинг хуружидан ҳоли.

Ҳозирда биометрик паспортларни тайёрлаш, фуқароларга етказиб бериш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари авж палласида. Жойларда янги технологик усуналар ўрнатиш, ходимларнинг малакасини ошириш, хоналар ажратиш ва таъмирлаш, тезкор ахборот узатиш тизимини кучайтириш тадбирлари яқунданли.

Таъкидлаш жоизки, паспорт бериш жараёнида маълумотларни тезкор узатиш имконини берувчи алоқа тизими тақомиллаштирилгани эътиборига молик. Паспорт тайёрлаш ва маълумотларни текширишда юқори тезликдаги алоқа канали узлуксиз ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Чунки "Биометрик паспорт" лойиҳасини жорий этиш жараёнида ИИБ Ахборот маркази, Эксперт-криминалистика маркази ва "Интерпол"нинг Ўзбекистондаги мавжуд маълумотлар базаси бўйича текширув ишлари амалга оширилади. Шунингдек, шахс ҳақидаги маълумотлар ҳам Давлат персоналлаштириш марказига (ДПМ) ана шундай алоқа тизими орқали узатилади.

Президентимиз фармониға биноан паспортларни янги намунадаги биоаспортга алмаштириш беш йил ичида, икки босқичда амалга оширилиши кўзланмоқда. Биринчи навбатда бундай паспортлар республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдан жисмоний шахсларга берилди. Бундан ташқари, 16 ёшга тўлган ёки паспорт алмаштириш ёшида бўлганлар, яъни 25 ёки 45 ёшдаги фуқаролар бундай имкониятдан фойдаланади. Шундан сўнг эса 2012-2015 йиллар давомида республикамиздаги қолган барча фуқароларга берилди.

ҲЧК ва ФРБ базасида - Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҲЧК ва ФРБ ҳамда шаҳар-туман ИИБларида икки юз ўн бешта пунктлар ташкил этилади. Биометрик паспорт олиш учун фуқаро жойлардаги Ички Ишлар бўлими қошидаги пунктга мурожаат қилиши зарур. Махсус форма-анкета тўлдирилиб, тегишли ҳужжатлар тақдим этилган, шу ернинг ўзига махсус ўрнатилган юқори сифатли рақамли фотоаппарат ёрдамида шахс юзининг икки ўлчамли тасвири олинади. Шунингдек, фуқаронинг иккита бармоқ изи (бош ёки кўрсаткич бармоқлар) сканер қилинади. Ушбу маълумотлар бошқа маълумотлар билан биргаликда Давлат персоналлаштириш марказига юборилади. Бу ерда эса олинган маълумотлар базасга жойлаштирилади, янги стандартдаги паспорт нусхаси тайёрланади ва махсус транспортлар воситасида жойларга юборилади. Шундан сўнг фуқарога ўзи мурожаат қилган ҲЧК ва ФРБ бўлимиларидан паспорт берилди. Биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш ИИБ ҲЧК ва ФРБ бўлимиларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик муассасаларига ҳам юклатилган. Бинобарин, чет элданги фуқароларнинг ҳам биометрик паспорт олишда қийинчиликка дуч келмайди.

Хуллас, янги турдаги паспортларни ишлаб чиқариш, фуқароларга етказиб бериш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ. Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, биометрик паспортларни қалбакилаштиришга қарши хавфсизлик белгиларини кучайтириш борасида ҳозирда аниқ тизим ишлаб чиқилди.

Чет эл тажрибасига назар ташланса, биометрик паспортдаги махсус электрон чипларни ўқиш имконини берувчи терминаллар нафақат чегараларда, балки келгусида мамлакат ичкаридаги хавфсизликни таъминлаш пунктларида ҳам ўрнатилиши мумкин. Буни амалга ошириш жиноят олами вакиллари хуружидан, террористик гуруҳлар аъзоларининг қилмишларидан, қидирувда бўлган шахсларнинг жамиятга етказиши мумкин бўлган зараридан янада пухта ҳимоя қилиш имкони беради. Бу эса айнан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдек кенг қўламли савий-харакатлардан қўзланган эзгу мақсадлар билан ҳамохандир. Зеро, янги биометрик паспортлар мамлакатимиз фуқароларининг хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати йўлида ташланган янги бир қадамдир.

Йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланг

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган галла ва пахта ҳосили учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган транш ва имтиёзли кредит маблағлари сарфланшининг қонунийлиги юзасидан мунтазам назорат таъбирлари амалга ошириб келинмоқда. Бунда асосий эътибор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий бўлган фермер хўжаликларининг бўзилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилмоқда.

Маълум бўлишича, айрим тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланishi таъминланмаганлиги оқибатида, ажратилган транш маблағлари бошқа мақсадларга ишлатиб юборилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига зарар етказилган.

Жумладан, "Агробанк" ОАТБ Музработ филиали бошқарувчиси Х.Дўстқобил, бош ҳисобчиси Ф.Ҳолиёров, хазина мудир Д.Самадова, хазиначи Ш.Эгамов ва С.Чориевалар томонидан 23,8 млн. сўмлик, Шеробод филиали бошқарувчиси ўринбосари Э.Тангиркулов томонидан эса 102,8 млн. сўмлик пахта ва галла ҳосили учун транш бўйича ажратилган маблағлар қонунга зид равишда бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган.

Шунингдек, пахтани қайта ишловчи баъзи корхоналарнинг раҳбар ва масъул ходимлари фермер хўжаликларига топширилган пахта хом-ашёси учун тўловларни тўлашда турли хил суистеъмолчиликларга йўл қўйишган.

Масалан, "Шўрчи пахта" очик акциядорлик


Хушмамат БЕКМУРАТОВ,

Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

жамияти бошқаруви раиси М.Сатторов, собик бош ҳисобчи Б.Каримов, бош ҳисобчи С.Турдиев, ёрдамчи ҳисобчи Х.Дўстқобил ва Х.Қурбонновлар ўзaro жиний тил бириктириб, 2008 йил пахта ҳосили учун тузилган контрактация шартномаси бўйича фермер хўжаликларига томонидан топширилган пахта хомашёси учун якуний ҳисобот билан ҳақ тўлаб бериш мажбуриятини қасддан бажармасдан, пахта ҳосили бўйича тузилган сохта 28-шакл ҳисоботи "Сурхонпахтасаноат" худудий акциядорлик бирлашмаси орқали Молия вазирлигига тақдим этганиликлари натижасида 15-транш маблағи аслида талаб этиладиган пул миқдоридан 277 млн. 342 минг сўм кам келиб тушган.

Шунингдек, айрим фермер хўжаликларига 15-транш маблағларидан 67 млн. 239,3 минг сўм асосий равишда ошқича ўтказиб юборилганлиги ҳамда жамиятнинг кредитор қарзлари ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги оқибатида Шўрчи туманидаги 40 та фермер хўжаликларига 1 млн. 613,7 минг сўм, Олтинсой туманидаги 268 та фермер хўжаликларига 342 млн. 844,8 минг сўм тўланмасдан, уларнинг бюджет олдиданги солиқ ва бошқа тўловлардан қарзи ўз вақтида тўлаб берилмаган. Оқибатда кечиктирилган тўловлар учун давлат солиқ идоралари томонидан фермер хўжаликларига 29 млн. 625,6 минг сўм устама ҳисобланган.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахслар жиний жавобгарликка тортилди.



Катта тезликда келаятган "Нексия" автомашинасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари тўхтатишди. Машинанинг орқа юкхонаси кўздан кечирилганда, сурмак ичиладан 22 дона жипсланган тўртбурчак шаклидаги, 3 дона брикет шаклида келтирилган, сақлам 22,5 килограмм "гашиш" наркотик молдаси чиқди.

Жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов жараёнида уюшган жиноий гуруҳ Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилоятидан наркотик моддаларни олиб, Қирғизистон Республикасининг Ҳатлон вилояти орқали Россияга жўнатиб тургани аниқланди. Суд мажлисида уюшган жиноий гуруҳнинг "ишбоши"си, Тожикистон Республикаси фуқароси Равшан Мухторов, Фарғона вилоятининг Тошлоқ ва Бешарик туманларида истиқомат қилган Баҳодир Темиров, Иномжон Шоматов, Нурилло Рўзиев, Ўткирбек Сулаймонов, Мироллим Насриддинов ва Рамзбек Маҳмудовларнинг жуда кўп миқдорда наркотик моддаларни ўтказишдан иборат жиноий қилмишлари ўз ибодтини топди ҳамда судланувчиларга 10 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси таъинланди. Шу тариқа не-не умрларни хазон қилувчи наркотикафка чек қўйилди.

Фарғона водийсининг кунботарида жойлашган Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятда яшовчи Мухсин, Одил ҳамда Асқар наша ва кўкнори "ҳосили"ни йиғиб, "кайта ишлаб", чекадиган, ичадиган ҳолатга келтиришган бўлиб, энди молни Россияга "экспорт" қилиш устида бош қотиришаётган эди. Уларнинг наздида Қирғизистоннинг Ҳатлон вилояти орқали жўнатиш энг фойдали ва бехатар йўл бўлиб туоларди. Бироқ ўртада Ўзбекистон Республикасининг Фарғона, Андижон вилоятларини кесиб ўтиб, Ўшга етказиб туриш муаммо эди. Ўша онда Мухсин ўшиқ Равшанни эслаб қолди. Олди-берди қилиб, анчагина синовдан ўтган, ишончли, панд бермайдиган, олғир йигит. Вақтни ўтказмай дарҳол у билан телефонда боғланди-да, "Биз тарафга келинг, серёзний иш бор" дея меҳмонга чақирди.

Меҳмон кўп куттирмади. Фарғона вилоятининг Бешарик туманида жойлашган Андархон қишлоғи атрофидаги айланма йўллардан яширинча чегарани кесиб ўтиб, огайниларининг ҳузурига кириб келди. Чойхонада, палов устида Мухсин, Одил, Асқар билан катта

ишни миридан-сиригача муҳокама қилиб, нарх-навоми, сарф-харажатлардан ортадиган фойданинг ҳисобини чиқаришди. Транзит йўлларини чама-лаб, нихотат чегарадан Бешарик туманига олиб ўтиладиган "юк"ни Андижоннинг Марҳамат тумани орқали Қирғизистонга ўтказиб туришни мақбул топишди. Равшан ҳамшаҳар огайниси, ўшиқ улғуржи харидор Ихтиёр билан келишувни ўз зиммасига олди.

— Ихтиёрнинг Россиядаги "савдогар" лар билан олди-берди қилиб, синашга бўлиб олган аяхонлари бор, — деди Мухсинга Равшан. — Юкни Ўшга етказса олсак марра бизники, уёғи хамирдан қил сугургандай силлиқ ке-чади. Фарғона, Андижон орқали транзит муаммосини ҳам ўзим ҳал қиламан. Сизлар айтилган пайтда молни тайёрлаб турсаларинг бўлди.

— Лекин нақдма-нақд иш қиламиз, насияга ҳеч нарсас бермаймиз, — дея уни оғохлантирган бўлди Мухсин.

— Мен ҳам нақдга ишлашга одатланганман, — Равшан бўлажақ "таъминотчи" шерикларини хотиржам қилди. — Аммо, дориям тозасидан бўлиши керак.

— Буёғига биз кафил, — дея ишонтирди Мухсин.

Қирғизистоннинг Ҳатлон шаҳрида туғилиб ўсган, қирқ яшар Равшан оиласидан ажралгач, Фарғонага келиб, бир танишиникида ётиб юрди. Лекин, хонадон эгаларига малол келаятганини сезиб, бошқа бошлана қидира бошлади. Шу тариқа марғилионик Баҳодир, тошлоқлик Иномжонлар билан танишди. Тожикистоннинг Хўжанд вилоятига бориб келганидан кейин эса, улар билан учрашиб, бирдигана бойиб кетиш имкониятидан фойдаланиб қолишни таклиф қилди.

— Хўжандлик огайнилардан олиб, ўшиқ огайниларга етказиб турамыз. Воситачилик қилиб, тенг баробар фойда кўрамыз.

Йигитларга "йирик иш" маъкул тушди. Узаро ким нима билан шуғулланишини келишиб, гапни бир жойга қўйишди.

— Ош мендан, — деди Равшан.

Чойхонага Баҳодир билан Иномжон Нурилло, Шокир деган ўртоқларини ҳам бошлаб келишди. Гапдан-гап чиқиб, Равшан бошлана излаётганини айтиб қолди.

— Ўртоғимнинг уйи бор, гаплашиб бераман, — Нурилло шундай дея қўл телефониди Ўткиржонни чақирди.

Ўз навбатида Ўткиржон ҳам "йирик иш"га қўл ураётган, шерикликка чорлаётган огайниларининг сўзларини ерда қолдирмади, "ишбоши"га уйидан жой берди.

Июнь ойининг бошларида Бешарикка бориб келайлик, деган Равшанни Иномжон "Нексия" машинасида Андархон қишлоғига олиб бориб қўйди. "Хўжандга бориб қайтуғимча кутинг". Равшан ҳайдовчига шундай дер экан, қўл телефониди шу ерлик таниши Рамзбек билан боғланди.

— Мен келдим, ўша жойдаман.

Рамзбек чегарадаги айланма йўлларни беш қўлдай билгани боис, божхонани четлаб ўтиш истагидаги одамларга хизматини таклиф қиларди. Шериги Мироллим каби чегарадан "қора дори" олиб ўтиш тўғрисидаги Равшаннинг таклифига кўнган, йириккина лўқмани қўлга қиритишга чоғланган йигит наздида, "қора дори" бировники, мабодо ишқали қирқанда ҳам, мен ҳаммоллик қилганман холос, сумкасида нима борлигини қаёқдан билмай, дея сувдан қуруқ чиқиб кета оладигандай эди.

Хуллас, у Равшанни чегаранинг нариги тарафига ўтказиб юборди. Келишилган жойда уни қарши олган Мухсин: — Йигирма беш килограмм нақд, — деди Равшан билан саломалик қилгач.

Равшан шу заҳоти Тошлоққа телефон қилиб, Баҳодир билан боғланди-да, тез Андархонга етиб келинг, дея буорди. Рамзбек Баҳодирни ҳам айланма йўллар билан қўшни давлат ҳудудига ўтказиб юборди. Баҳодир телефон орқали боғлиниб, Равшан билан Мухсин кутаётган жойга борди. Сумкадаги "юк"ни олиб, изига қайтди. Чегаранинг бу тарафиди уни Рамзбек билан Мироллим кутиб олиб, "бехавотир" жойга бошлаб боришди. Шун-

дан сўнг Равшаннинг ўзи ҳам айланма йўллар орқали чегарадан ўтди. "Қора дори"ни Иномжоннинг машинасига жойлаб, Тошлоққа келгач, бошқа таксига ўтириб, Марҳаматга жўнади. 25 килограмм "гашиш"ни Ихтиёрга топшириб, пулини санаб олди. Кейин Андархонга бориб, Рамзбек билан Мироллимга 1000 АҚШ долларини берди.

Орадан кўп ўтмай, Мухсинга телефон қилди.

— Яна пича "дори" бор, опкетинг.

— Чегарадан ўтказиб юборсангиз, битта шерик қарши олади, — дея Равшан Мухсинга Рамзбекнинг қўл телефони рақамини берди. Сўнгра ўзи Рамзбекка телефон қилди.

— Сизга нариги тарафдан Мухсин деган йигит кўнғироқ қилади. "Дори"ни жўналади. Олиб, менга берасиз.

— Ака, хизмат ҳақи-чи, насияга иш бўлмайди.

— "Дори"ни олгани борганимда, ҳисоб-китоб қиламан. Айни дамда Равшаннинг қўлида пул йўқ эди. Шунинг учун Ихтиёрга телефон қилди. Сўнгра Марҳаматга бориб, келишилган жойда кўришди. Ундан 1000 доллар олиб, яна Андархон қишлоғига жўнади. Рамзбек билан Мироллимга хизмат ҳақи дея 700 минг сўм санаб бергач, улардан 7 килограмм "юк"ни олди-да, Иномжоннинг "Нексия"сида Тошлоққа жўнади. У ердан бошқа машинага ўтириб, Марҳаматга йўл олди. Манзилга етгач, "юк"ни Ихтиёрга топширди.

Эртаси кўни қўл телефони-га хўжандлик Мухсин кўнғироқ қилди.

— Сирка керак, Фарғонада бўлади, суриштириб кўринг.

Равшаннинг топшириғига кўра Нурилло сиркани ахтариб топгач, Мухсинга бу ҳақда хабар берди.

— Синаб кўргани озгина опкеллинг, — илтимоос қилди Мухсин.

Равшан шериги Баҳодир билан 200 грамм сиркани олиб, Иномжоннинг "Нексия" машинасида Андархонга жўнади. Айланма йўллар билан чегарадан ўтиб, сиркани Мухсин билан Одилга топширди. Келаси кўни улар Равшанга кўнғироқ қилишди.

— Яхши чиқди. Икки юз литр керак.

Жиноий гуруҳ аъзоларининг Тожикистондаги шерикларига наркотик моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган сирка ангидриди керак эди. Равшан жиноий шериклари орқали Фарғона шаҳрининг Қирғули маззесида яшовчи бир одамнинг гаражиди сирка борлигини билгач, ҳар литрини 15-20 доллардан сотиб олишга чоғланди.

Н.Рўзиев ва Ш.Аҳмедов Равшаннинг топшириғига кўра,

Жаҳонгир ПУЛАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
Исроил ИБРОҲИМОВ, "Huquq"

аввалига Н.Усмоновдан 20 литрли иккита идишдаги сирка ангидридини 800 АҚШ долларга сотиб олишди. Сўнгра яна 120 литр сирка учун 1800 доллар тўлашди. Бу пулнинг 800 долларини уларга Равшан берди. Энди психотроп моддалар тайёрлашда ишлатиладиган сирка ангидридини яширинча сақлайдиган жой топиш керак эди. Н.Рўзиев таниши И.Мардоновга учради.

— Бочкаларда бензин бор эди, уч-тўрт кун сизникида тура турсин, — дея ёлгон ишлатди. У рози бўлгач, иккита 60 литрли бочкалардаги ва иккита 20 литрли идишлардаги сирка ангидридини ҳовлисидаги мақалоя орасига яшириб қўйди.

Бироқ жиноий гуруҳ аъзолари наркотик моддалар тайёрлашда ишлатиладиган сиркани хориждаги шерикларига жўнатишга улғуртишмади.

Мухсин 14 август кўни Равшанга телефон қилди.

— Йигирма уч килограмм дори тайёрлаб қўйдик. Олиб кетинг.

— Бўпти. Баҳодиржонни жўнатаман. Чегарадан олиб ўтади. Сиркани нима қилай?

— Кейинроқ, аввал чегарадан ўтказиладиган ишончли йўлни толайлик.

Равшан телефонда Баҳодирни топиб, Андархонга жўнатди. Орадан икки кун ўтгач, Иномжон билан боғланди-да, Андархонга бориб келамиз, деди. Яшаб турган хонадон эгаси, жиноий шериги Ўткиржонни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Баҳодир ўша айланма йўллар орқали чегарадан Тожикистонга ўтиб, Мухсин билан кўришди. Меҳмон бўлди. Улар берган "гашиш"ни белгиланган жойда қолдирилган велосипедга юклаб, айланма йўллар билан чегарага етиб келди. Велосипедни қолдириб, сумкадаги юк билан чегарадан ўтишида бундан аввалроқ келишиб олганларидек, ёрдам берган Мироллим хизмати эвазига Равшандан 1 миллион 700 минг сўм пулни санаб олди. Шундан сўнг икковлон "Дамас" автомашинасида Андархонга етиб боришди. Уларни Равшан шериклари билан кутмоқда эди. Сумкани "Дамас"дан тушириб, "Нексия"нинг орқа юкхонасида жойлаштиришди. Сўнгра Бешарик орқали Қўқон йўлига юришди. Катта тезликда келаятган автомобилни тўхтатган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари машинанинг орқа юкхонасидан жуда кўп миқдордаги наркотик моддани топиб олишди.

Шу тариқа яна бир ажал сўқмоғи йўқ қилинди.

Эртасини унутганлар

Бугунги замонашимизни илм-фаннинг энг юксак кашфиётлари билан ҳам ҳайратга солиб бўлмаслиги мумкин. Лекин кундалик ҳаётимизда учрайдиган, кўплар учун "арзимас", "шунчаки" турмуш ташвишлари саналмиш баъзи воқеа-ҳолатларнинг моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлашнинг билан, ўзингиз билиб-билмай ҳайрат ва ажабсиниш туйғусидан бир зум бўласа-да, лол-у ҳайрон қоласиз. Алдаган "ким"-у, алданаётганларнинг "анойилиги" нимада? Ўз инсоний бурчини кимлар суиистеъмол қилса, кимлар фойда қўриш илминда "ларлаш ва ўз ҳамроҳлари бўлган фирибгарларга" лақабу тўша, ҳайратга тушмай бўладими?! Келинг, сиз ҳам бироз қўзилиб кетган "идао"ларимизнинг асл сабабини чуқурроқ ва тيرانроқ тинглаб кўринг...

Лафз суиистеъмолли

Донишмандлар айтган каби омад ва омадсизлик кўша келар экан. Собит ва Нурбек (исмлар ўзгартirilган)нинг оталари бевақт вафот этганлиги етмаганидек, уларнинг хусусий корхонасидаги ишлари ҳам аввалгидек бир маромада ривожланишдан тўхтади. Ака-уканинг боши кўтди. Собит бир куни укасига маслаҳат солди:

— Сен Россияга бир бориб келмасанг бўлмайди, ука.

— Ака, Россияга бориш ҳеч гап эмас, лекин у ердан ёғоч келтириш учун маблағ йўқ-ку, — деди укаси ўқиниб.

— Сен маблағни ўйлама, мен бир режани ўйлаб қўйганман, — деди Собит қандайдир ишонч билан.

— Қандай режа?!

— Биласан, отамнинг эски таниши Зоҳид ака бор-у, унга борсақ бизга етарлиқ пул бериб туради. Яқинда учрашганимда ҳам, майли, бирга ҳамкорлик қиламиз, дегандай бўлувди.

Акасининг бу гапларидан укасининг кўзлари чақнаб кетди.

— Ака, ақлингизга қойилман. Йўқ жойдан йўндирасиз-да!

Укасининг бу мақтовларидан аканинг мийғида кувонч кулгуси пайдо бўлди. Гўё минг йилдан бери очилмаган жумбоққа жавоб топган ақл соҳибидек керилиб, ўзларининг иши юришига турганини ҳам унутиб, хурсанд ҳолда укасининг елкасига қокди.

— Ука, қаловини топсанг қор ҳам ёнади. Бу замонда каллани ишлашга керак. Сени эртага яқшанба куни Россияга жўнатаман. Бугун Шахрисабзга, Зоҳид аканинг ёнига бориб келаман...

...Зоҳид ака, эски танишининг ўғлини очик чехра билан кутиб олди.

— Собит, ўзи чув тушиб қолмаймизми, уканга ишонсак бўладими? — деди Зоҳид ака ҳам ўзи кўришни мўлжаллаётган фойдани чамалаб, оғзининг таноби қочганча Собитга савол нигоҳи билан боқди.

— Э-э-э ака, нима деяписиз? Укам отар йигитлардан-ку. Хар ҳолда отам билан ҳам эскидан дўст бўлгансиз. Насиб бўлса, бойиб кетамиз!

Собитнинг бу гапларидан кўнгли тўлган Зоҳид ака танишларидан пул олиб, эски қадрдони ўғлининг қўлига 10 млн. 983 минг 770 сўмини ишониб тутқазди. Бу "дўстона" учрашувдан сўнг орадан анча вақт ўтди ҳамки, Собит ваъда қилган ёғочдан дарак бўлмади. Шубҳа ва гумондан ичига совуқ оралаган Зоҳид ака Қамашига келиб, Собитга учрашди:

— Собитжон, бизнинг бу-

юртма нима бўлди?

— Зоҳид ака, сиз отамни кўрган, биз учун энг қадрдон одамсиз! — деди Собит гаумусса ва омадсизликдан эзилган бир аҳволда, — яна озорку кутинг, бир вагон ёғоч келадим. Бу ёғочларни ўзим сотаман. Сизга эса кейинги вагонда келаётган ёғочларни бераман. Насиб ётса, берган пулингизни икки ҳисса қилиб чиқариб оласиз!..

Ёғочлар келавермагач, Зоҳид ака Собитнинг ёнига яна борди.

У Қамашига қанчалик ғазаб ва шашт отига миниб борган бўлса, Собитнинг "ёлгон ваъдалари"га яна лақа тўшди-у, хазина топган савдоийдек хуш хаёллар билан Шахрисабзга қайтди. Собит ўшанда йилғамокдан бери бўлиб Зоҳид аканинг олдига ер чизган кўйи, ўтинди:

— Зоҳид ака, укам уч вагон ёғочни юклаб, менинг яна пул юришимни кутиб турибди. Агар яна "оталик қилиб, озорқ қўллаб" юборсангиз, Россиядаги ишларимиз хамирдан қил суғургандек бўларди. Мана шунда биз ҳам, сиз ҳам пулингиз тагида қолардик. Ахир ўйланг, отамнинг оғайниси бўлган сиздай инсонга биздай ака-укалар иккилик қилармик!

Собитнинг бу гапларидан кейин ғазаб ва шубҳа ўтида қовурилаётган Зоҳид ака яна жажлидан тушди.

— Мен ҳам сизларга ишонманам! Лекин вақт ўтапти-да! — деди у тушкунлик билан.

— Ака, бугун пул берсангиз, келаси ҳафта буюртма қилган ёғочларингизни оласиз! — деди Собит Зоҳид аканинг роиш билдираётганлигини билиб, дадил ва ўқтам овозда.

Хуллас, кўп ўтмай Зоҳид ака Собитга яна 30 млн. 840 минг сўм пулни ўз кўллари билан тутқазди. Аммо орадан ҳафта туғул ойлари ҳам ўтди. Бу умидвор ойлари бошқа ойлари уланди. Лекин Собит ваъда қилган ёғочлардан дарак бўлмади. Зоҳид аканинг Қамашига кейинги келиши жанжалга айланди. Бу жанжалга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам аралашди.

Эгри таёқнинг ҳам икки учи бор...

Шу ўринда бир савол туғилди. Ота қадрдони бўлган инсон билан ака-укалар судлашмаслиги мумкинми? Жамоатчилик ўртасида маломаатга қамасликнинг имкони бормиди? Ҳа, шубҳасиз, бор эди. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бу кўнгилсиз воқеанинг келиб чиқишида икки тарафнинг ҳам айби бор. Мулоҳаза қилиб кўринг: агар ака-укалар ўзларининг инсоний бурчларини

Аҳмад РАҲИМОВ,
Шахрисабз туман прокурорининг
ёрдамчиси
Умид ЖАҲОНГИРОВ,
туман прокуратураси катта
терговчиси

суиистеъмол қилишмаганида, осон йўл билан бойиб кетишни хаёл қилиб, фирибгарлик қилишмаганида, ота қадрдони бўлган бир инсон азият чекмасди. Хўш, уларнинг корхонасида иш юришмабдиам дейлик, лекин бировдан олинган қарзни эгасига қайтариш уларнинг инсоний бурчи эди-ку?! Ахир, улар ўзларини эл-юрт ўртасида мард, самимий, бир сўзли ва одамоҳун инсонлар деб билардилар.

Шу ўринда донишмандларнинг "Эгри таёқнинг ҳам икки учи бор", деган гаплари ёдга тушади. Ака-укалар одамгарчиликни оёқ ости, ўз лафзларини суиистеъмол қилган йигитлар бўлса, уларга ишониб, пул берган Зоҳид ака ҳаётининг банд-пастини кўрган инсон эмасмиди? "Кўр хассасини бир марта йўқотади", деган нақлни, наҳотки Зоҳид ака унутган бўлса?! Ахир, у ўзи қўшқўлларга, ишониб топширган 10 млн. 983 минг 770 сўм маблағни қайтармаган ака-укаларга нега яна ишониб, таниш-билишларидан қарз кўтариб, 30 млн. 840 минг сўмини тутқазди? Буни "анойилик" дейиш керакми ёки бориб турган "содаллик" ёхуд бу кўзга кўр, қулоқни қар, виждонни қарақт, тақдирини талотум этгучи нафсининг ишимми?

Тўғри, маъмурий органлар аралашгач, ака-укалар Зоҳид акага маблағининг катта қисмини қайтариб беришди. Қолган 2 млн. 623 минг 770 сўмини эса кейинроқ, имкон бўлса топиб беришга "ваъда" қилишди. Энди хушёр торган Зоҳид ака эса уларнинг эҳтимов, чин дилдан айтаётган бу "ваъда"ларига ишонмади. Ўйлаб-оқибат шубҳа аралашган бу "ваъда" ака-укаларни суд залигача етаклаб келди.

Тугамаган хотима ёхуд жиноятга жазо муқаррар

Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз тумани судининг биносига бўлиб ўтган оқид суд мажлисида ака-укалар устидан одил ҳукм чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми "а" банди билан айбли деб топилган Собитга, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ақал тузатиш иши жазоси тайинланган бўлса, укаси Нурбекка Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисмига асосан илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йилга қамок жазоси тайинланди.

Халқимизда шундай гап бор: Бугуннинг эртасини унутганларнинг қисмати қулфат чигиригига тушади. Тўғри, бу чигириқнинг азоб ва уқубатларини вақт доволати мумкин. Лекин ана шу чигириқ қолдирган доғни ювиш учун эса вақтнинг ҳам кучи етмайди.

Самарқанда азалан боғ-роғлар, хушманзара дарахтзорлар маскани саналади. Бунга ота-боболаримиз асрлар давомида ўз хиссаларини қўшиб келишган. Ҳатто Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ҳам Самарқанда шахри атрофида барпо этган боғларнинг довуғи олис-олисларга етиб борган.

Эссиз оқибат...

Эзгу ниятлар билан аж-доғлари ишини давом эттиришни ният қилган Давронқул Курбонов, "Курбонов Даврон боғлари" номли фермер ҳўжалиги ташкил этди. Боққа турли дарахтлар экилган бўлиб, ҳосил ҳам ёмон эмас, шу боис, Давронқул укаси Баҳриддинга бир гектардан зиёдрок олмазорни фойдаланиш учун бериб қўйди. Ўз навбатида укаси ҳам ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиларди. Афсуски, ҳаёт ҳамиша бирдек давом этавермас экан. Ука ернинг ижара пулини вақтида тўламаслиги сабабли ака-уканинг оралари бузилди. Давлатга тўланмаган қарзларни ака тўлар, ука буларни ҳали-вери қайтаролмас эди. Шу боис иш улар бир-бирини кўрса, сўқиб, ҳақоратлайдиган даражага етди.

Куз кунларининг бирида Баҳриддин ўғли орқали акасига 220 минг сўм бериб юборди. Аммо ака пулни қабул қилмади:

— Утган йиллардаги қарзларингни ҳам олиб келасан! Ернинг ижара пули 180 минг бўлди. Униям олиб кел! — Ака бақирганча жиянини уйдан чиқариб юборди. Ука бўлса, "олмасанг олма" дегандек, пулни ишлатиб юборди.

Орадан анча вақт ўтиб, Баҳриддин 180 минг сўм билан Давронқулникига кириб келди. Акаси уйда йўқ экан. Пулни ян-

Мўминжон ОСТОНОВ,
Самарқанд туман прокуратураси
катта терговчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
журналист

гасига ташлаб орқасига қайтаркан, акасини учратиб қолди: — Ака, ҳозир янгамга пул ташлаб келаяман, пулга тўйиб қолдингми? — деди кесатиб. Ака ҳам шунга яраша жавоб қайтарди. Бир-бирига ташланган ака-укани йўловчилар ажратиб қўйишди.

Укасининг гапларидан жажли чиққан ака уйда овқатланаётганда ҳам ўзини босолмади. Бироз ўтиргач, ўриндан турди-у укасининг чайласига йўл олди. Бу пайтда Баҳриддин энди ухлашга ётган эди. Ака уни кўриши билан бақира бошлади. Ука ҳам бир гапдан қолмай демасди. Бақир-чақир зумда жанжалга айлиниб, улар бир-бирларини дўппослай кетишди. Баҳриддин қараса, акаси зўр келяпти. Уни қўрқитиб қўйиш учун чайладан личок олиб чимқокчи бўлди-ю жажл устида ортидан кирган акасини беҳосдан қўксига личок урди. Давронқул шифохонда жон берди.

Арзиманган келишмовчиликдан бошланган моҳоро фожиа билан туғди. Баҳриддин Ботуров 12 ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Синалмаган отнинг...

Фарход ОЧИЛОВ,
Ғиждувон туман прокурорининг ёрдамчиси
Шахло БАҚОЕВА, журналист

Ғиждувонлик Б.Худойбердиев "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма", деган нақлнинг асл моҳиятини англаб, оғиртин олиб қўйди. Чунки у фирибгарларнинг ҳавоий ваъдаларига учиб, тузоғига илинганди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ёрдами билангина моддий зарарини ундириб олди.

2009 йилнинг июнь ойида "Nexia" автомашинасида Тошкентта кетаётган Баҳриддин Навоий шахрида Шавкат исмли йўловчинини миндириди. Йигит анча ҳамсуҳбат чиқиб қолди. Йўл-йўлақай у ёқ-бу ёқдан ташлашиб кетаётганда, ҳайловчи тилидан "йилинди". Узага тегишли трактор борлиги, уни сотмоқчи эканлигини айтганида йўловчи Шавкатнинг кўнглида нимадир "ғимирлаб" қўйди. Саволлар бериб, Баҳриддинни гапта тутди. Унинг ишонувчан киши эканини сезгач, "фириб тузоғи"ни ташлади:

— Ака, мен тракторингнига харидор топиб бераман. Уни Тошкент бозорига сотсангиз, яхшигина фойда кўрасиз. Менга қўл телефонингиз рақамини беринг.

Б.Худойбердиев йўловчининг сўзларига ишонди. Шавкат Инамжанов йўлдаги бу танишув ҳақида ҳамтовонг Елдор Ваҳобов ҳамда укаси Ғайратга сўзлаб берди. Улар ўзаро жиноий режа тузишди.

Орадан 3 ой ўтиб, Шавкат Баҳриддинга кўнғироқ қилиб, тракторига харидор топилгани, яқинда бошлаб боришини айтганда, у роса севинди. Меҳмонларни бетоқатлик билан кутди. Ниҳоят харидорлар келиб, тракторни 21 миллионга баҳолашди. Елдор ва Ғайрат билан бирга келган Шавкат тракторни кўздан кечириб, уни Самарқандга олиб бориш лозимлигини, харидор пулни ўша ерда беришини билдириди. Баҳриддин рози бўлди. Улар билан бирга Самарқанд шаҳрига йўл олди.

— Трактор шу ерда қолсин, пулни Тошкент шаҳрида бераман. Биз билан юринг.

Уни пойтахтга олиб кетишди. Аммо икки-уч кун ўтса ҳамки, пулдан дарак йўқ эди. Баҳриддин эса пулни сурашга истиҳола қилди. Уч оғайини алдаб-сулдаб уни яна Самарқандга жўнатишди:

— Ака, укам ҳамма пулни жамлаб бўлибди. Сизни Самарқандга кутаётган экан. Ўша ерда бораркансиз...

Афсуски, Баҳриддин у ерда на тракторини ва на харидорни топа олди. Яна Тошкентга қайтди. Улар билан бирга тўхтаган манзилда эса "танги"лардан ному нишон йўқ эди. Қўл телефон рақамларига кўнғироқ қилди, ҳеч ким жавоб бермади. Баҳриддиннинг эхсонаси чиқиб кетди. Анча вақт шундай сарсон кезиб, на тракторини, на унинг пулини ололган Баҳриддин алданганини, тракторини фирибгарлар "йилиб" кетишини англади. Бошидан кечирганлари ҳақида ёзиб, ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилди.

Фириб бериш бобида устаси фаранг жиноий гуруҳ аъзолари фош этилди. Янгийўллик Тоҳир исмли киши трактор тиркамасини икки ярим миллионга сотиб олган эди. Шу харидор орқали қалавининг учу топилиб, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилди.

Хавфли режидишди, муқаддам икки бор сулданган Елдор Ваҳобов фирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилди. Яшири-ништа ултурган гуруҳишчи Шавкат Инамжановга нисбатан қўлинув эълон қилинди. Жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди.

«Ҳамкасб»ларнинг найранги

Пойтахтимиздаги йирик ва кўп тармоқли МЧЖ "Евроосиё таомлари" кафе-миссия ўтказилган навбатаги тафтиш бир қанча жиноятларнинг очирилишига туртки бўлди. Маълум бўлишича, кафе мутасаддилари иқтисодий жиноятлардан ташқари яна бир қанча жиноятларга ҳам замин яратиб беришган экан.

Хонасига ҳаяжонланганча кириб келган Сардор шоша-пиша ёрдамчисига қўнғироқ қилди: — Алишер, тезда олдимга чиқинг!

Алишер ҳамма ишини йиғиштириб, директорнинг хузурига шошилди. У ичкарига кирганда Сардор асабийлашганча хонада у ёқдан бу ёққа юрар эди.

— Эшитаман ҳўжайин.
— Қаерларда юрисан?
— Жойимда эдим. Тинчликми ўзи?
— Текширув бошланибди. Ишқилиб, ҳужжатларни тўғри-лаб қўйганимдинг?
— И-е, ахир яқинда текширишди-ку!
— Яна текширишармиш. Бу сафаргиси жиддий экан. Тез Мурудни топ. Ҳамма ҳужжатларни олиб, олдимга қиринглар.

Кўп вақт ўтмай Алишер билан Мурад директорнинг хонасига кириб келишди. Эшик шу заҳоти ичкаридан қулфланди...

Тонг отай дегандагина барча ҳужжатлар "тахт" қилинганга ишонч ҳосил қилиб, ходимларига жавоб берган Сардор, ўзини креслога ташлади. Аммо унинг ҳаловати узокқа чўзилмади. Сабабини куйида баён қиламиз. Буни қарангки, "Евроосиё таомлари" МЧЖ муассасаси раҳбари ҳамда "Гунеш" кафесининг норасмий директори Сардор Сулейманов, бош ҳисобчи Алишер Иброҳимов ва газначи Мурад Нуралиевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан ўзаро жиной тил бириктириб, 2008 йилнинг декабридан 2010 йилнинг апрелига қадар олинган даромадини ширшиш йўли билан тадбиркорлик ва савдосотиқ қоидаларини мунтазам равишда бузиб келганлар. Бундан ташқари, солиқ, суғурта, пенсия жамғармаси, ишчиларнинг маоши ва шу каби тўланмай келган тўловлар миқдори жами 14 млн. 310 миңг сўмни ташкил этганлиги ҳам

— Келинг энди ака, мошинани ўшата боғормай қайтиб бераверинг, нима хизмат бўлса тайёрман.

— Жаримани тўлаб, олиб кетаверсан! — деди ҳайдовчи ўрнида мошинани бошқариб кетаётган ИХХБ инспектори Дилмурод Обидов.

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Иқбол тезлигини ошира бошлаган машинанинг калитини сугуриб олган эди, мотор ўчи, "Нексия" худди қаттиқ тор-моз бергандек тўхтади.

— Калитни бер, — Дилмурод шундай деганини билади, тўсатдан юзига мушт тушди. Бурни қонади. Бундан фойдаланган Иқбол ҳайдовчининг ўриндигидан тушириб юбориб, мошинани миниб қочиш пайига тушган эди, улгурмади. Ёнлариди "ДАМАС" машинаси тўхтаб, ундан милиция ходими тушди. Орқароқда, боя машинасини тўхта-тишган жойда турган Дилмуроднинг шериги, ИХХБ ходими Бегзод ҳам югурди келди. Учаласи бир бўлиб, хизмат вазифасини ўтаётган милиция ходими-га қаршилик кўрсатган зўравоннинг қўлларини қайириб, машинага ўтказиш-

Умар ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

маълум бўлди.

Кафеда ошпаз бўлиб ишлаган Б.Бобомуродовнинг айтишича, директор уни ишга қабул қилиш жараёнида фақат пас-портнинг нусхаси билан таржимаи холини сўраган, аммо меҳнат дафтарчаси ҳақида сўз ҳам очмаган экан.

Директор кафе ишчиларига меҳнат дафтарчаси юритмагани боис маош миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам бўлмаганлиги маълум бўлди. Энг ачинарлиси, бир жиноятнинг изидан иккинчи жиноятга замин яратилаётган бўлиб, яъни директор хонаси кўздан кечирилганда у ердан "Нурчи-лар" ва бошқа диний-экстремистик ҳаракатларнинг голяри-ни тарғиб этувчи турли рисо-лалар топилди.

Ушбу жиноят иши юзасидан тўланган ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг берган кўрсатма-сига асосан кафе мутасаддилари-нинг айби тўлиқ ўз исботи-ни топди. Маэзкур жиноят иши юзасидан одил суд ўз ҳукми-ни эълон қилди. Бир қатор жиноятларга қўл урган "Евро-осиё таомлари" МЧЖ муассасаси раҳбари ва "Гунеш" кафе-сининг норасмий директори Сардор Сулейманов, бош ҳисобчи Алишер Иброҳимов ва газначи Мурад Нуралиевлар Жиноят кодексининг бир қанча моддалари билан айбдор деб топилдилар. Мансабдор шахс-ларнинг қилмишларига нисба-тан жазо муқаррарлиги таъмин-ланди.

Ўртимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, иқтисодиёт ва молия соҳалари-да туб ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда тад-биркорларга берилган имко-ниятларни суиистеъмол қилув-чи шахсларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Ҳурмат Атаниязов ёши йи-гирма учини қоралаб қолган бўлишига қарамай, тайинли ишнинг бошини тутмади. Онлалик, куч-гайратга тўлган навқирон йигит бўлса-да, кунлари бекорчи-лик билан ўтарди. Яхши яшаш, яхши кийиниш, ай-ниқса, атрофдагиларнинг ҳурмати ва эътиборига са-зovor бўлишни кеча-ю кун-дуз ўйлавериб, охири бар-ча муаммоларнинг ечими пулла деган хулосага келди. Ҳа, пул топиш керак. Кўп пул топиш керак. Шунда ҳурматли инсонга айланади.



Жаҳолат ботқоғи

Меҳнатсиз роҳат, заҳматсиз фаро-қат топишни уста-хан қаҳрамонимиз охи-роқибат аламзадага айлана бошлади. Қўни-қўшни, та-ниш-билишларининг меҳна-да яраша фаровон ҳаёт кеч-ираётгани унинг гашини кел-тирарди.

2010 йилнинг 12 апрели Хурмат Атаниязов учун одат-дагидек бошланди. Кун бўйи кўчада санғиб, кўнглини хуш-лади. Соат 21:00 ларга бо-риб, унинг кайфи анча оши-б қолган эди. Бир маҳал ҳаёли-га бир фикр келди-ю, юзи ёришиб кетди. Назариди, шу ишни бажарса, барча муаммо-лари ўз ечимини топадиган-дек эди...

У шуни пешин вақтида дех-қон бозори олдидаги автома-шиналар тўхташ жойида кира-қашлик қилаётган Н.Ботиров билан танишиб қолди. Нурад-диннинг "Нексия-2" русумли автомашинаси унинг эътибо-рини тортган эди. Автомаши-нани кўриш баҳонасида Ну-раддинни гапга солган, хиз-мат бўлса телефон қилиши-ни айтиб, телефон рақамини ҳам олган эди.

Ҳурмат вақтни ўтказмай, шу заҳоти Нураддинга кўнғироқ қилди-да, хотини ва кайнота-сини олиб, Янгибозор тумани "Бошқирших" қишлоғига бориб келишни илтимос қилди. Кирақаш етиб келгач эса, режалаштирган ишини амалга ошириш қулай бўли-

ши учун, атайин орқа ўрин-диққа жойлашди. Машина "Бошқирших" қишлоғидаги кўприк олдида етиб келди ҳамки, миждо ўрнидан кўзгалмади. Н.Ботировнинг судда билдиришича, ўша дам-да Хурматнинг ўзини тутиши ўзгариб, нимагадир тарадуд-ланаётгани уни шубҳаланти-ради. Нима гаплигини билиш мақсадида орқасига ўгирил-ганда эса, қулай пайт пойла-ётган Хурмат бир қўли билан бўғиб, бўйнига пичоқ тирай-ди. Бу ҳолдан эҳсонаси чиқиб кетаётган Нураддин чап қўли билан пичоқнинг тиг қисми-ни маҳкам ушлаб, тортиб олишга ўринади. Пичоқ қўли-дан чиқиб кетаётганини сез-ган зўравон, шоша-пиша бар-моқларини Нураддиннинг кўзларига тикиб, орқага тор-тади. Оғриққа чидай олмаган ҳайдовчи ўзини машинадан ташқарига отади. Аммо кўз олди қоронғулашиб, ҳеч нар-сани кўрмай қолади. Устига-устак, кўзларидан қон оқиб, қаршилик кўрсатишга ҳам ма-дори қолмай, ёғилаётган зар-балардан таслим бўлади. Хур-мат уни йўл четидаги ариққа итариб юбориб, машинага ўтиради-ю, яшириниш пай-да Қорақалпоғистоннинг Манғит шаҳрига йўл олади.

Гурлан тумани худудига жойлашган Момо кўприк ИПХ масканида хизмат вазифала-рини ўтаётган милиция ходим-ларининг эътиборини Нексия машинаси ҳайдовчисининг

Орифбой АҚМОНОВ,
Янгибозор туман прокурори ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huquq»

уст-бошидаги қон излари тортди. Ҳ.Атаниязов дастлаб-ки тергов ва суд жараёнида ўзини жабрдийда қилиб кўр-сатиб, ҳайдовчи "унинг вена-сини кесиб юборишдан қўрқиб, ўзини йўқотиб қўйган-лиги, шу боис нималар қил-ганлигини эслай олмаслиги-ни" билдирган бўлсада, Момо кўприк ИПХ масканида саво-ларга жуда толқирлик билан жавоб берган эди. Ушунда у энаси оламдан ўтгани, маши-на акасиники эканлиги, ҳозир акасини олиб келиш учун Манғит шаҳрига кетаётганини билдирган эди. Қиймлариди-га қон излари қаҳида ҳам тез-да "афсона" тўқиган эди. Нима эмиш, йўлда бензин қўйиш учун тўхтаганда безо-ри йигитлар ҳужумига учра-ганимиш...

Н.Ботировни тасодифий йўловчилар касалхонага олиб боришди. Олдин туман, ви-лоят, кейин республика, ҳатто хориждаги тиббиёт муассаса-ларида ҳам даволанса-да, аммо кўзининг кўриш қобили-ятини тиклашнинг имкони бўлмади. Ҳ.Атаниязовнинг йў-ламай босган қадами оқибат-тида Нураддин Ботиров бир умр зулматда яшашига маҳкам бўлди.

Зўравоннинг жазоси

Ўқтамжон ҲАМДАМОВ,
Қўштепа туман прокуратураси терговчиси

ди ва туман ИИБга олиб боришди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзга-тилди.

Терговда аниқланганича, Фшштмон қишлоғида яшовчи, ўттиз икки яшар Иқбол Давронов мошинани тўхтайтиб, ҳужжатини сўраган инспекторларга ўзини бошқарувидаги "Нексия" автомо-билининг суғурта полисини ҳам, ҳай-довчилик гувоҳномасини ҳам тақдим этолмай, боғда, костомининг чўнтаги-да унутиб қолдирганини айтиб, баҳона қилган. Ушбу ҳолат бўйича ИХХБ хо-дими маъмурий баённома тузиб, авто-машинани вақтинча жарима майдонига олиб кириб қўйиш учун рулга ўтирган пайтда, унинг ёнига Иқбол ҳам чиқиб олган. Машина ўрнидан кўзгалми, 100 метрча юрганида у калитни сугуриб олиб, ИХХБ ходимига қаршилик кўр-сатган.

Дастлабки терговда И.Давронов ай-бига иқдор бўлмади.

— Дехқонлар етиштирган мева маҳ-сулотларини сотиб олиб, Россияга жўнатиш билан шугулланаман. Уша кўни Солижонобод қишлоғида бо-гда меваларни яшиқларга жойлашти-рдик. Миҳ зарур бўлиб қолиб, Рузибой аканинг "Нексия" машинасида Лаңгар қишлоғига бораётганимда ИХХБ ходим-лари мени тўхтатишди. Гувоҳнома би-лан суғурта бор, келиптир кўрсатай де-сам ҳам гапимга қўнишмади. Дилмурод акаям, шериги Бегзод ҳам мени яхши билишди. Бегзод бир илтимос қилга-нида ҳўп, деб кетиб юборганим. Ушан-

га қасдлашиб, мошинани жарима май-дончасига қўйдирмоқчи бўлди. Дилму-род акани урганим йўқ. Юриб кетаёт-ган машина калитини сугуриб олганим-да силкиниб, бетини рулга уриб олди. Лунжи ўшанга қонади...

Бирок жабрланувчининг кўрсатма-сини, яъни зарба тўфайли енгил тан жароҳати олганини сугуриб олганим-да шохидликларидан ташқари экспертиза хулосаси ҳам тасдиқлади.

— Иқбол бизга қариндош бўлиб чиқди, — деди жабрланувчи. — Ота-онаси кечирим сўрашди. Унга давоим йўқ. Халқимиз, давлатимиз кечиримди. Олий Қамқим Сенатининг қарорига асосан, суднинг ажримини билан унча оғир бўлмаган жиноятлар сирасига кир-увчи ушбу жиноят ишининг тергови ҳаракатдан тугатилди. Суд мажлисида ўзи айтгандай, айб-ланувчининг бурнига сув кирди. Хиз-мат вазифасини ўтаётган ҳўқимни ва-киллари фаол қаршилик кўрсатиш-нинг оғир оқибатларини билиб олган йигит энди етти ўлаб бир кесади.

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Андижон вилоят филиали очик танлов ва аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Кўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi очик танлов савдосига Жалакудук тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Ёрқишлоқ» ш/х, Галаба кўчасида жойлашган 41-сонли мактабга таълим муассасаси қўйилади. Танлов савдоси шарт: энг юқори инвестиция киритиш.

Бошлангич баҳоси — 14 200 000 сўм.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2011 йил 22 февраль куни соат 14:00 дан бошлаб Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 30-уйда ДМК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси биноси 104-хонасида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин соат 11:00да тўхтатилади.

Танлов шартлари, улар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi тўловни амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилган сўнг олинши мумкин. Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва танлов ҳужжатлари учун тўловни «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Андижон вилоят филиалининг кўйда берилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 14:00 дан бошлаб сотилгунга қадар ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва куйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижий сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга қўрақувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошлангич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт); закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг рекузитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. 2011 йил соат 11:00 дан 22 февраль бошлаб бош-

лангич баҳосининг ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига Хонобод шаҳрида жойлашган "5-сон МКС" (механизациялашган кўча сафи) МЧЖнинг низоом жағмармасидаги 25 фоиз давлат улуши қўйилади. Бошлангич баҳоси - 10 309 250 сўм.

Талабгорлардан аризаларни ва ҳужжатларни (юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома) қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, объектнинг такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов ва аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар закалат келишуви тўлиқ билгандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Андижон вилоят филиалининг ТИФ "Миллий банк" Андижон вилоят бўлимидаги 20210000404537599003, МФО 00074, СТИР 206761326 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумот, танлов ҳужжатларини олиш ва аукцион савдосини ўтказиш манзили: 170100, Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 30 уй.

Тел/факс: (8 374) 298-04-01

Email: info@mulk.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиали бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2010 йил 6 декабрдаги 1508-сонли қарорига асосан, Бухоро шаҳар Халифа Худойдот кўчаси ёқасида жойлашган, яқка тартибидagi уй-жой қуриш учун сатхи 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик

қилиш ҳуқуқи аукцион савдосига қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 4 047 200 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 18 февраль куни соат 11:00да Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси, 10-уй, РКМБ Бухоро вилоят филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Ер майдони бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгор-

лардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади.

Маъзур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Бухоро вилоят филиалининг

АТИБ "Ипотекабанк" Сардор Ф-ли Бухоро бўлимидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00119, СТИР 200933850, х/р 20210000900571452118.

Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қavat.

Телефонлар: (8365) 223-71-36, 223-71-30. www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 № 000004.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилоят филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан мерос қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш, уй-жой қуриш учун ажратилган, Ангор тумани "А.Навоий" ҚФИ ҳудудидa жойлашган, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган сатхи 600 кв.м. бўлган 4-ер майдони қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 60 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 18 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги ер майдони 2011 йил 18 февралдаги очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2011 йил 4 март куни сотилганга қадар бўлиб ўтиши ҳақида олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувга асосан ер майдони бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Сурхондарё филиалининг МФО 00336, СТИР 200933850, АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиалининг Термиз шаҳар мени банкидаги 20210000600571452115 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, "Тадбиркорлар маркази" биноси.

Телефон: (8-376) 227-57-94. www.rkmb.uz. Лицензия DB 001 000004.

ТУЗАТИШ

"Huruq" газетасининг 2011 йил 13 январдаги 02 (731)-сонидa чоп этилган муаллиф Кеҗейли туман прокурори Ж.Ермашевнинг "Ватан равнақи йўлида" номли мақоласининг иккинчи устуни беиничи сўз бошидаги "2010 йил давомида барча соҳалар бўйича 119 та жиноят иши ҳисобга олинган бўлса, шундан қотиллик 45 та, иқтисодий жиноятчилик бўйича 45 та, бошқа соҳалар бўйича 29 та жиноят содир этилган" жумласи қуйидагича ўқилсин:

"2010 йил давомида туманда барча соҳалар бўйича 125 та жиноят иши ҳисобга олинган бўлиб, шундан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари жами 15 та, номусга тегиш 1 та, фирибгарлик 3 та, ўғрилик 10 та, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш 1 та, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш 1 та, ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш 1 та, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятлари 2 та, жиноятни ҳисобга олишни қасддан яшириш 1 та, транспорт воситаси ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш 8 та, безорилик 6 та, иқтисодий жиноятчилик бўйича 45 та, бошқа соҳалар бўйича 29 та жиноятларни ташкил этади".

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимоси ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Илмий-амалий анжуман

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Тарихдан маълумки, халқимизнинг миллий маънавияти, кадриятлари, урф-одат ва анъаналарини безавол сақлаш ҳамда ривожлантиришда маҳалланинг ўрни бекиёс бўлган. Шундан бўлса керак, мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб бу соҳага алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бугун маҳалла деяр аталмиш институт тўлиқ шаклланиб, унинг ҳуқуқий мақоми эса тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Такимиллашиб бораётган миллий қонунчилигимизга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилди. Ҳозирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайловлари чинакам демократия ва ошқора тарзда ўтилишига эришилмоқда. Шундай бўлса-да, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурятлари ҳам туғилмоқда.

Жорий йилнинг 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизими: ҳолати ва такомиллаштириш йўллари" мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам айнан шу масалаларга бағишланди.

Бугунги кунда аҳолининг айрим долзарб муаммоларини ҳал этишда ва давлат бошқарувида фуқароларнинг ҳаққоний иштирокини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани барчамизга маълум. Шунинг учун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳам катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

Сўзга чиққанлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қайта кўриб чиқиш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимига янгича ёндашушни шакллантириш борасида аниқ таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришнинг назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, прокуратура, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, сиёсий партиялар, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЕИҲ, фуқаролар йиғинлари раислари, Олий ўқув юртлиари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Илмий-амалий анжуман сўнгига "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таъсиялар ишлаб чиқилди.

Маълумки, 2014 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати Бразилия мезбонлик қилади. Кейинги дунё футбол байрами эса 2018 йилда Европада, яъни Россияда ўтказилса, 2022 йилги жаҳон кубогининг финал босқичини ўтказиш бахти Осиё вақили Қатар давлатига nasib этди. Айтиш мумкинки, шу кунларда Қатар пойтахти Доха шаҳрида давом этаётган футбол бўйича ХУ Осиё кубогининг финал ўйинлари бўлажак 2022 йилги жаҳон чемпионатида тайёргарликнинг дастлабки жилдий синови вазиғасини ўтамоқда. Ушбу турнирнинг ташкилий савияси ФИФА раҳбариятининг лиққат марказида турибди. Қатар қишда ҳам бирик футбол мусобақаларини ташкиллаштириш мумкинлигини амалда исботлаши керак бўлади.



Ғалаба иштиёқи

Бахтиёр НАЗАРОВ,
«Huquq»

Осиё кубоги ўйинлари эса ўзининг ҳал қилувчи босқичига кирди дейиш мумкин. Барча гуруҳлардаги ўйинлар якунланиб, кейинчи босқичга йўлангани кўлга киритган саккизта терма жамоа номи маълум бўлди. Минглаб футбол мухлислари таҳмин қилганларидек, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Эрон каби Осиёнинг энг кучли терма жамоалари чорак финалга чиқиди. Кучлилар орасида В.Абрамов бошичилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам борлиғидан барча мухлислари мизнинг қувончлари чексиз. Футболчиларимиз сўнгги учрашувда ғалаба иштиёқи билан тўп сурган бўлсалар-да, ғолибликка асосий даъвогар саналган Хитой терма жамоаси билан дуранг натижага эришдилар. Бу натижа уларнинг гуруҳда биринчи ўринни эгаллашлари учун кифоя қилди. Энди вақилларимиз 3-

турдада сурияликларни мағлубиятга учратиб, "В" гуруҳида икки ўринни банд қилган Иордания футболчилари билан чорак финалда куч сынашадиган бўлди.

Ушбу гуруҳда Саудия Арабистони терма жамоасини йирик ҳисобда доғда қолдириб, биринчи поғонани эгаллаган япониялик спортчилар эса чорак финалда мусобақа мезбонлари - қатарликлар маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказишди. Очигини айтганда, ҳар доим кучлилар қаторидан жой олиб келган Саудия Арабистони футболчиларининг бу йилги чемпионати жуда бўй ўтказиб, барча ўйинларни бой бериши кўпчилик учун қутилмаган хол бўлди.

"С" гуруҳида биринчи ўринга Австралия ва Жанубий Корея терма жамоалари даъвогарлик қилишди. Пировардида австралияликлар Баҳрайн футболчиларини 1:0 ҳисоби-

да энгиб, биринчи ўринга кўтарилди. Жанубий кореяликлар гарчи ҳиндистонликларни йирик ҳисобда мағлубиятга учратган бўлсалар-да тўплар нисбатига кўра иккинчи поғонадан жой олдилар. Энди уларга охириги гуруҳда биринчи ўринни нақд қилиб қуйган эронликлар рақиб бўлди.

Кеча "Д" гуруҳида бўлиб ўтган учрашувлар қолган чорак финал йўланмаси соҳибини аниқлаб берди.

Чорак финал ўйинлари 21 январь куни бошланади. Шу куни иорданиялик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушадиган футболчиларимизга ғалаба иштиёқи, маҳорат, ирода ва омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХЕХО кичик инспектори

Ҳар қандай жамият узлуксиз равишда ривожланиб бораётган экан, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун муҳим бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларни тартибга солишнинг шакллари ва механизмларини такомиллаштириб боради. Бу эса ўз навбатида давлатнинг инсон манфаатини қўзғаб ҳамда унинг иродасини ўзида ифода этувчи изчил сиёсий олиб бораётганидан далолат беради. Шу маънода, кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, аτροφ-муҳитни ёнгинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи қонунлардан бири бу "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Олти боб ва қирқта моддадан иборат бўлган мазкур қонун Ўзбекистон Республикасида ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди, ушбу соҳада давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилий-ҳуқуқий ва мулк шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Таъкидлаш жоизки, ёнгинлар натижасида нафақат халқ ҳўжалиғига, балки аτροφ-муҳитга, атмосфера мизининг азон қатламига ҳам жиддий зиён етказилади. Мазкур масала жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътиборида бўлиб, 1985 йилда Вена шаҳрида БМТнинг она заминимизнинг азон қатламидан асраш юзасидан махсус Конвенцияси ҳам қабул қилинган. Бундан ташқари, БМТ томонидан 1972 йилда Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференция якунида аτροφ таъкилий-муҳит муаммоларига бағишланган махсус Декларация ҳам қабул қилинган эди. "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро ҳужжатларнинг талабларига тўлиқ жавоб беради.

Бинобарин, ҳозирги кунда мол-мулкларни асраб-авайлаш, уларни турли офатлардан муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этаётир. Зеро, жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизлигини таъминлаш юқори ўринда туради. Айниқса, ёнгиндан сақлаш чораларини кўриб ҳамиша долзарб аҳамиятга эга. Чунки, эҳтиётсизлик натижасида олов келиб чиқиши ҳамда моддий ва маънавий зарар етказилиши мумкин. Зеро, халқимиз ҳам "Сув балосидан, ўт балосидан асрасин" деган нақлни бежиз айтмаган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, айни кунларда мамлакатимизда қиш мавсуми бўлиб, кунлар совиши билан газ ва қўлбола иситиш мосламаларини ишлатишга эҳтиёж кескин ошади. Бу эса, фуқаролардан юқорида қайд этилган қонун ва унинг асосида қабул қилинган ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишни, ёнгинга олиб келувчи фолатларнинг олдини олишни, тўсатдан чиққан олов офатга айланмаслиғи учун ҳушёр бўлишни тақозо этади. Жумладан, уйни ёнгиндан сақлаш учун айрим кўрсатмаларга амал қилиш талаб этилади. Мазкур масъулият эса уйдаги газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирамаслик, носоз ва қўлбола ускуналардан, айниқса, иситиш печчи ўқоқларини ўт олдириш учун бензин, керосин, солярка каби тез аланга олувчи сўйуқликлардан фойдаланмаслик, газ плитаси ва иситиш печлари устида ювилган кийим-кечақларни қуритмаслик, газ ва электр асбобларининг назоратини ёш болалар ихтиёрига топширмаслик, уйдан чиқидан олдин газ ва электр ускуналарнинг ўчирилганлигини текшириб чиқиш кабилардан наомин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни фуқароларимизнинг ҳаёт ва соғлиғини ёнгиндан ҳимоялашнинг ҳуқуқий қағолатини таъминлаш билан бир қаторда, соҳага алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг фаолиятларини қонун йўли билан янада самарали тартибга солишга хизмат қилиши шўбақис. Фуқароларнинг қонунда белгиланган мажбуриятларга риоя қилишлари эса, нафақат ўз саломатликлари, балки оила аъзоларининг ҳаётини, уйлари ва ундаги жиҳозларни ҳам ёнгин хавфидан сақлашига олиб келади.

Ўтганларнинг охирати обод булсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар прокурори Мирзохид Обидова ўқаси **Мирвали ОБИДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокуратурасининг катта нозир Дилмурод Байметова онаси **Азиза БАЙМЕТОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupbov G'OIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmunini uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma №-941. 32 386 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalantirildi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: S. BOBOJONOV
Nabatchi muharrir: O'. DEHQONOV
Nabatchi: O'. DEHQONOV
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9